Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 84 (20 351) • 1989 йил 9 апрель, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

Суратда: М. С. Горбачев нутқ сўзлаётган пайт. (ТАСС телефотоси).

ИШОНЧ ОШМОҚДА

М. С. ГОРБАЧЕВнинг Буюк Британияга визити тугади

ЛОНДОН, 7 апрель. (ТАСС махсус мухбирлари). Хушнудлик, очиқ кўнгиллилик, самимият вазияти КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачевнинг Буюк Британияда бугун тугайдиган қисқа муддатли, аммо ғоят сермазмун расмий визитига хос хусусиятлар бўлди. Темза дарёси соҳилларида бўлиб ўтган барча учрашувлар ана шундай вазиятда ўтди. Совет — Британия муносабатларида ҳал этилмаган муаммолар борлигини, нормаллаштириш жараёнига тўсқинлик қилаётган кучлар ҳам борлигини ҳеч ким яширмаяпти. Шу билан бирга бу ерда СССР — Англия мулоқоти икки томонлама жиҳатдангина эмас, балки Умумевропа, кенг халқаро жиҳатдан ҳам мазмун ва аҳамият касб этиб бормоқда, деган фикр устунлик қилмоқда.

Пойтахтнинг энг қадимий залида — Лондон Ситисининг шаҳар кенгашида совет раҳбари билан учрашиш учун бугун бу ерга тўпланган ҳозирги Англия раҳбарларининг, жамоатчилик ва савдо-саноат доиралари вакилларининг кайфиятида ҳам мазкур мулоқотда ижобий ўзгаришлар бўлишига умид яққол сезилиб турди. Гилдхолл зали беш аср мобайнида мамлакат тарихидаги барча муҳим воқеаларнинг гувоҳи ва қатнашчиси бўлиб келди. Бугун ҳам бу ерда тарихий воқеа содир бўлди. Ғарбнинг энг нуфузли минбарларидан бири мамлакат ичкарисида ва ундан ташқарида теран, революцион ўзгартишлари бутун дунёда эътироф этилган сиёсий арбоба берилди.

Гилдхолл залига кираверишда меҳмонларни лордмэр К. Коллет рафиқаси билан кутиб олади. К. Коллет уларни фахрий меҳмонлар залига таклиф қилади ва уларга оқсоқолларни таништиради. Залда дипломатия ваколатхоналари бошлиқлари группаси, социалистик мамлакатларнинг элчилари ҳозир бўладилар.

Сўнгра М. С. Горбачев, Р. М. Горбачева, М. Тэтчер, Д. Тэтчер Гилдхолл подиумидан жой оладилар. Совет Иттифоқи ва Буюк Британия Гимнлари ижро этилади.

Лорд-мэр К. Коллет учрашув маросимини оча туриб, Лондон Гилдхолли мамлакатларимиз агрессияни тўхтатиш учун елкама-елка туриб жанг қилган можаро пайтида душман ҳаракатларининг гувоҳи бўлган. Ҳозир ҳам биз яна елкама-елка туриб, воқеаларнинг боришини кескинликни камайтиришга, турли системадаги мамлакатлар ўртасида барча соҳаларда тинч ва ўзаро фойдали ҳамкорликни йўлга қўйишга қаратишга интиляпмиз, деб давом этди у. Сизнинг ташаббусларингиз ва Бош министримизнинг ташаббуслари бутун дунёдаги, мард космонавтларингиз чексиз космос билан бирлашишга ёрдам берган дунёдаги барча эркин фикрловчи ва тинчликсевар кишилар қалбини забт этди ва уларга умид бағишлади. Ҳозир ҳам Ер юзидагилар сизларнинг сўзларингизни кутишмоқда, деди лорд-мэр М. С. Горбачевни минбарга таклиф этар экан.

Буюк Британияда чет эллик арбобга Лондон Гилдхоллидан минбар берилиши ғоят фахрли эканлигини биламан, деди М. С. Горбачев. Кўпдан-кўп воқеалар билан боғлиқ мана шу бинонинг ўзи кишини даврлар алоқаси тўғрисида ўйлашга мажбур этади. Ҳақиқатан ҳам инсоният тарихида бурилиш асри бўлиб қолган XX аср, жўшқин воқеаларга бой аср охирлаб бормоқда. Бундан кейин нима бўлади? Кейинги аср қандай бўлади, деб ҳозирги вақтда ўзига савол бермайдиган одам камдан-кам топилса керак.

Кейинги йилларда ҳамма жойда ҳозирги пайт учун масъулият ҳис этилмоқда. Бу эса умид ва ишонч билан, аммо айни пайтда ҳавотирлик билан боғланган. Халқаро ҳамжамият икки хил сиёсат ўзаро айрилиб турадиган маррага чиқди. Биринчиси, умумлаштириб айтганда, куч сиёсатидир. Бу ўтмишдан қолган сиёсат. Бошқа сиёсат эндигина шакланмоқда. У, дунёнинг яхлитлиги ва ўзаро боғлиқлиги янада равшанлашган жўшқин жараён натижасидир. Умуминсоний манфаатлар ва қадриятларнинг устунлиги ана шундай сиёсатни тақозо этди. Биз қотиб қолган ақидалар, одат бўлиб қолган эскича фикрлашларни бартараф этиш йўлига қатъий ўтиб олдик. Қайта қуриш ва янгича фикрлаш ҳамда уларга асосланган ички ва ташқи сиёсат шунинг натижаси бўлди. СССР сингари мамлакат тўғрисида гап борган экан, бу ҳамма жойда одатдан ташқари қизиқиш уйғотди, халқаро муҳитга ва жаҳондаги реал сиёсий вазиятга таъсир ўтказди.

Бугунги кунда ҳам биздаги қайта қуришга қизиқиш сусаймаяпти. Билишимча, сизлар ҳозир аҳвол қандай эканлигини, қайта қуриш бундан буён қандай боришини, унинг имкониятлари қандай эканлигини мендан эшитишга умид боғлаяпсиз.

Мана бундай. Қайта қуриш — жиддий ва узоққа мўлжалланган жараёндир. Уни энди ҳеч ким орқага қайтара олмайди. Халқ ўз тақдирини қайта қуриш билан мустаҳкам боғлади. Бутун тарихимиз мобайнида мисли кўрилмаган демократик вазиятда ўтган СССР халқ депутатлари сайлови совет кишилари бундан тўрт йил илгари танлаб олинган йўлдан қайтмоқчи эмасликларини кўрсатди. Гоҳо эҳтиросларга ва фикрлар кураши, гоҳо жамоат ва давлат ишларига қизиқишнинг кучайиши, ошкораликдан энг кўп даражада фойдаланишга ва уни ҳимоя қилишга интилиш, фикрлар ва таклифларнинг зиддиятлилиги, сўз билан иш ажралиши яна юз бермаслиги тўғрисида қайғуриш — буларнинг ҳаммаси қайта қуришнинг принципиал ғалабаларидир ва уни омма қўллаб-қувватлаётганлигининг далилидир. КПСС мана шу сайловда халқнинг қудратли мададидан баҳраманд бўлди.

Биз бутун масъулиятни ҳис этиб, қайта қуришни бошладик. Бу жараённинг мураккаб ва одатдан ташқари жараён эканлигини олдиндан кўра билдик. Қайта қуриш бутун жамият учун яхшигина «элакдан ўтиш» бўлишини билардик. Энг асосий нарсада биз янглишмадик. Кўпгина ички муаммолар — сиёсий, иқтисодий социал, маънавий муаммолар кўлами бирданига эмас, балки бошланган иш давомида намоён бўлганлиги бошқа нарса. Бу тобора янги-янги ёндашувлар ва ечимларни, ғоят қизғин интеллектуал ва амалий ишларни талаб этади.

Бундай вазиятда муаммолар ва қийинчиликлар бўлиши муқаррардир. Чунки гап барча соҳада — турмуш тарзида ҳам, меҳнатга, гражданлик бурчига муносабатда ҳам чуқур ўзгаришлар тўғрисида боряпти.

Биз турмушнинг янги шакллари сари — барча соҳада жамиятни демократиялаш сари бориш йўлини узил-кесил ва қатъий танладик. Биз демократиялаш шахснинг ўзини тўла намоён этиши ва фикр эркинлиги учун шарт-шароит яратишига ва ҳозирнинг ўзидаёқ шундай шароит яратаётганлигига, демократиялашгина социализмга хос қадриятлар — социал жиҳатдан ҳимояланиш, адолат, ишлаб чиқариш муносабатларининг ва одамлар ўртасидаги муносабатларнинг инсонпарварлиги сингари қадриятларнинг юзага чиқишига имконият яратишига аминмиз. Бунда биз ошкораликнинг ва одамлар ҳамма нарсадан хабардор бўлишининг халқаро эътироф этилган, шунингдек, идеалларимиздан ва маданий-тарихий анъаналаримиздан келиб чиқадиган энг юксак даражадаги мезонларига асосланамиз.

М. С. Горбачев демократиялаш йўли билангина бир маромда ишлайдиган, соғлом, муттасил ривожланиб борадиган экономикани вужудга келтириш мумкинлигини таъкидлаб, шундай деди: биз янги аграр сиёсатни ишлаб чиқдик. Гап қишлоқ хўжалигида маъмурий-буйруқбозлик системасига ,барҳам бериш тўғрисида бормоқда. Ижара муносабатларининг турли шакллари орқали ернинг соҳиби бўлган деҳқоннинг мақоми, унинг ерга, ишлаб чиқариш воситаларига ва ўз меҳнати билан етиштирилган маҳсулотларга эгалик қилиш ҳуқуқи тикланмоқда. Қабул қилинган қарорлар қишлоқ хўжалиги учунгина эмас, умуман мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш учун, жамиятимизни ривожлантириш концепцияси учун ҳам принципиал аҳамиятга эгадир. Биз миллатлараро муносабатлар соҳасида кўп иш қилишимиз керак. Биз бу ишни федератив давлатимизнинг совет жамиятида авж олдирилган жараёнларга кўникиши давомида амалга оширамиз. Бизнинг асосий принципимиз бўлган кучли марказ ва кучли республикалар барча халқларимизнинг хоҳиш-иродасини акс эттиради.

Мана шу барча муаммоларни ҳал этишнинг, барча ташаббусларимизни амалга оширишнинг қудратли омили —, сиёсий системани ислоҳ қилишдир.

Шу тариқа, биз ўз ўтмиши сабоқларини ўзлаштирган ошкора, демократик, эркин жамиятни, қонунга, гражданларнинг масъулияти ва хабардорлигига, уларнинг ташаббуси ва омилкорлигига, совет социалистик ватанпарварлигига ва моҳияти инсонни улуғлаш бўлган инсонпарвар социализм йўлини танлашга содиқликка асосланган жамиятни барпо этяпмиз. Совет жамиятини демократиялаш халқаро ишларда ошкораликнинг демократик нормаларини қарор топтириш йзидан бормоқда. Мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни барпо этиш йўли давлатлараро муносабатларда ҳуқуқ ролини ошириш тенденцияларига мос келади. Бизнинг иқтисодий ислоҳотимиз СССРни ʼжаҳон экономикасига янада кенг кўламда жалб этишни кўзда тутади ва эҳтимол, ҳақиқатан ҳам жаҳон бозорини, янги жаҳон иқтисодий тартибини шакллантиришга кўмаклашиши мумкин.

Кейинги йилларда урушдан кейинги тарихнинг сўнгги саҳифасини ёпиш ва янги, тинчлик даврига қадам қўйишнинг реал имконияти пайдо бўлди.

М. С. Горбачев янгича сиёсий фикрлашнинг асослари ва амалий ҳулосаларини у Нью-Йоркда БМТ Бош Ассамблеясида умумлашган тарзда баён этиб берганлигини эслатиб, шундай деди: сўнгги йиллар тажрибаси қурол-яроғ аслаҳаконалари қисқартирилаётган ва қарбий қаршима-қаршилик даражаси камайтирилаётган шароитда эркин йўл танлаш принципларига, манфаатларнинг мос келишига асосланаётган жаҳон тартиби имкониятлари тўғрисида гапириш имконини бермоқда. Биз буни иш билан исботлаяпмиз ва исботлайверамиз.

Мен илгари гапириб ўтганимдек, 1989—1990 йиллар давомида қуролли кучлар сафидан 500 минг киши, яъни қуролли кучлар умумий сонининг 12 процента қисқартирилади. Ҳарбий бюджет 14 процентдан зиёд, қурол-яроғ ишлаб чиқаргш эса деярли 20 процент қисқартирилади. Биз ҳозирдаёқ ана шу программани рўёбга чиқаришга киришдик. Фурсатдан фойдаланиб биз ҳқинда ҳарбий мақсаддар учун юксак даражада бойитилган уран ишлаб чиқаришни шу йил тўхтатишга қарор қилганлигимизни сизларга маълум қилмоқчиман. Биз 1987 йилда плутонийдан қурол ясайдиган саноат реакторини ёпиб қўйганлигимиздан ташқари, бу йил ва келгуси йили яна шундай иккита реакторни ёпиб қўйишни мўл-

(Давоми иккинчи бетда).

М. С. Горбачев Москвага қайтиб келди

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачев 7 апрель куни Буюк Британиядан Москвага қайтиб келди. У Буюк Британия раҳбарятининг таклифига биноан мазкур мамлакатда расмий визит билан бўлган эди. У Куба Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Куба Республикаси Давлат Кенгаши ва Министрлар Советининг Раиси Фидель Кастро Руснинг таклифига биноан Кубага расмий дўстлик визити билан борди. Кубага боравершда М. С. Горбачев Ирландиянинг Шэннон аэропортида тўхтаб ўтди. У ерда олий даражадаги биринчи Совет — Ирландия учрашуви бўлди.

Сафарда М. С. Горбачевга КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Н. Яковлев, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. М. Каменцев ҳамроҳлик қилдилар.

Аэродромда М. С. Горбачевни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. А. Медведев, В. П. Никонов, Н. И. Рижков, Н. Н. Слюньков, В. М. Чебриков, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар А. П. Бирюкова, А. В. Власов, А. И. Лукьянов, Г. П. Разумовский, Д. Т. Язов, КПСС Марказий Комитетининг секретари О. Д. Бакланов, бошқа ўртоқлар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида Кубанинг СССРдаги элчиси Х. Камачо, Буюк Британиянинг СССРдаги муваққат ишлар вакили Н. Маршалл ва Ирландиянинг СССРдаги муваққат ишлар вакили Д. Макинвар бор эдилар.

(ТАСС).

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

СССРда ИЖАРА ВА ИЖАРАВИЙ МУНОСАБАТЛАР ТЎҒРИСИДА

Ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришга ва ишлаб чиқариш кучларини сифат жиҳатдан чуқур янгилашга оид тадбирлар системасида социалистик хўжалик юритишнинг янги илғор шакли бўлмиш ижаранинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. СССР Олий Совети Президиуми мамлакатда ижара ҳаракатини ривожлантириш, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг, қурилишнинг, халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг самарадорлигини ошириш мақсадида, совет кишиларининг фаровонлигини ўстириш, ижарачиларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш учун қўшимча шарт-шароит яратиш, уларнинг меҳнатда юксак пировард натижаларга эришишдан манфаатдорлиги ва масъулиятини кучайтириш мақсадида **қарор қилади:**

1. Шу нарса белгилаб қўйилсинки, қуйидагилар хўжалик мақсадида фойдаланиш учун ижарага, яъни муайян муддатга ва ҳақ тўлаш эвазига берилиши мумкин:

а) ер, бошқа табиий объектлар;

б) давлат, кооператив ёки бошқа жамоат корхонаси (ташкилоти)нинг, бирлашма структура бирлигининг, улар асосий фондлари, оборот манблаглари, бошқа моддий бойликлари ва молиявий ресурсларининг йиғиндиси бўлмиш мол-мулки;

в) давлат, кооператив ва бошқа жамоат корхоналари (ташкилотлари) цехларининг, бўлимлари, участкалари, фермалари, бригадалари, бошқа ички бўлинмаларининг мол-мулки;

г) айрим бинолар, хўжалик иморатлари, иншоотлар, қишлоқ хўжалик техникаси, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, иш ҳайвони ва маҳсулдор чорва моллар ҳамда бошқа моддий бойликлар.

Ерни ва бошқа мол-мулкни ижарага олиш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришда, саноатда, қурилишда, транспортда ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида қўлланилиши мумкин.

2. СССР Министрлар Совети, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари томонидан махсус вакил қилинган давлат органлари, тегишли халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари, совхозлар, колхозлар, бошқа давлат, кооператив ҳамда ўзга жамоат корхоналари (ташкилотлари) ҳамда ижарага олинадиган мол-мулкни бошқарадиган, унга эгалик қиладиган, ундан фойдаланадиган ва унга фармойиш берадиган (уни оператив бошқарадиган) ёки унга эга бўлган гражданлар ижарага берувчилар бўлишлари мумкин. ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонунларида кўзда тутилган ҳолларда табиий ресурслардан бирламчи фойдаланувчилар ҳам уларни ижарага беришлари мумкин.

Совхозлар, колхозлар ҳамда бошқа давлат, кооператив ва ўзга жамоат корхоналари (ташкилотлари), шу жумладан, ижарачиларнинг ташкилотлари, улардаги бўлинмаларнинг коллективлари, шунингдек, граждан ёки гражданлар группаси ижарачилар бўлишлари мумкин. Ижарачиларнинг ташкилоти қатъий ихтиёрийлик асосида тузилади ва юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади. Шу ташкилотнинг тузилиши учун негиз бўлган давлат корхонасининг ходимлари ҳам, шунингдек, 16 ёшга етган бошқа гражданлар ҳам мазкур ташкилотнинг аъзолари бўлишлари мумкин.

3. Ижарага берилган мол-мулк давлат ёки ижара берувчининг мулки бўлиб қолаверади. Ижарачилар — кооператив ёки бошқа жамоат корхоналари (ташкилотлари) ва гражданлар ишлаб чиқарган маҳсулот уларнинг мулки ҳисобланади. Башартти, ижарага олинган мол-мулкни ижарачи ўз маблағи ҳисобидан ва ижара берувчининг ижозати билан яхшиласа (бино ёки иншоотни қайта қурса, асбоб-ускуналарни ўзгартирса ва бошқа ишларни қилса) ёки ижарага олинган участкада бинолар ва иншоотлар қурса, ижарачи ижара шартномаси тўхтатилгандан кейин шу мақсад учун қилинган зарур харажатлар ҳақини талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ижарачининг ижара берувчидан ижозатсиз қилган ҳамда ижарага олинган мол-мулк учун зарарсиз ажратиб олиб бўлмайдиган ишлари қиймати учун ҳақ тўланмайди.

Умуман корхонанинг мол-мулки ижарага олинган тақдирда ижарачи ижара берувчидан ижозат олганлиги ёки олмаганлигидан қатъи назар, агар Қонунда ёки шартномада бошқача тартиб кўзда тутилмаган бўлса, ижарага олинган мол-мулкни яхшилаш учун қилган харажатлари ҳақини тўлатиб олишга ҳақлидир.

Ижара шартномасида, агар колхоз, бошқа кооператив ёки ўзга жамоат ташкилоти ёхуд граждан ижарачи сифатида қатнашадиган бўлса: ижарачи ижарага олинган ер участкасида ўз маблаги ёки қарзга олинган маблағ ҳисобига қурган иморатлар ва иншоотлар унинг мулки бўлиши;

фақат давлатнинг мулки бўлган объектлардан ташқари, ижарага олинган мол-мулк шартномада белгиланган муддат тугагач, тўланган ижара ҳақи билан шу мол-мулкнинг қиймати тўла-тўкис қопланган тақдирда, мазкур мол-мулк ижарачининг мулкига ўтиши кўзда тутилиши мумкин. Бунда шахсий ёрдамчи хўжалигини ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятини юритиш учун зарур бўлган мол-мулк гражданнинг мулкига ўтиши мумкин.

Ижарачиларнинг ташкилоти тугатилган тақдирда ташкилот аъзолари билан ҳисоб-китоб қилиб бўлинганидан кейин, бюджет, банк ва бошқа кредиторлар олдидаги мажбуриятлар бажарилганидан сўнг қолган мол-мулк ижара берувчига топширилади.

4. Қишлоқ хўжалигида якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга (деҳқончилик хўжаликларига) ер участкалари ижарага берилиши мумкин, бу ер участкаларининг миқдори иттифоқдош республикаларнинг қонунларида белгиланган тартибда, уларни деҳқончилик хўжалиги аъзоларининг шахсий меҳнати билан ишлаш имконияти эътиборга олиб белгиланади.

5. Деҳқончилик хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш чоғида колхозлар, совхозлар билан ҳамда бошқа давлат, кооператив ва ўзга жамоат ташкилотлари билан кооперация алоқалари боғлашлари, со-

(Давоми иккинчи бетда).

БИРДАМЛИК РУҲИ

ТУРКМАНИНФОРМ ВА ЎЗТАГ МАХСУС МУХБИРЛАРИ ЧОРЖЎЙ ОБЛАСТИДАН ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Туркман қизларининг байрамона миллий кийимлари кўкламнинг ёркин бўёқлари билан уйғунлашиб кетди. 7 апрель куни Ўзбекистонинг Қоракўл райони билан Туркманистонинг Фароб райони чегарасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов билан Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. А. Ниёзов бошчилигидаги икки қардош республика делегацияси бу ерда туз ва нон билан қарши олиндилар.

Ўзбекистон делегацияси составида республика Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари Д. С. Едгоров, Бухоро область ижроия комитетининг раиси Ш. К. Ғатаулин, Туркманистон ССР делегацияси составида республика Министрлар Советининг Раиси А. Хўжамуратов, Мари область партия комитетининг биринчи секретари К. М. Ўрозов, Чоржўй область партия комитетининг биринчи секретари Б. Тагандурдиев, Тошовуз область партия комитетининг биринчи секретари О. Хўжаков, Туркманистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси П. М. Архипов бор эдилар.

Бу ерда ана шу учрашувдан хотира деб абадий яшил тўй ва чинор ниҳолларини ўтказдилар. Бу ниҳоллар республикалар чегарасидаги дўстлик ҳиёбонининг безагига айланди. Ленинча социалистик интернационализм идеалларига садоқат ҳақидаги қасамёд янгради.

Туркманистоннинг Чоржўй области меҳнаткашлари меҳмонларни самимий кутиб олдилар. Уларни қўшни область билан азалий дўстлик ва ҳамкорлик ришталари боғлаб келмоқда.

Чоржўйнинг вокзалолди майдонида митинг бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов йиғилиш аҳлини ўзбек халқи номидан табриклади.

Дўстлигимиз узоқ ўтмишга эга, деб таъкидлади у. Халқларимиз тақдирида кўп нарсалар чатишиб кетган. Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, дўстона ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш тўғрисидаги ҳамдўстлик шартномаси имзоланиши билан муносабатларимиз янги қудратли омилга эга бўлди.

Халқларимиз — дўстлик деб аталган азим дарёнинг икки қирғоғидир. Кўринмас кўприклар ана шу қирғоқларни абадий туташтирди. Биз шу дарёдан сув ичиб , далаларимизни суғорамиз, у жонажон диёримизга муҳаббатимиз билан, муштараклигимиз ва жипслигимиз билан йўғрилган. Қайғули ва қувончли кунларда халқларимиз бирга. Бу ҳам бизга куч бахш этади, дўстлигимиз — бойлигимиз эканлигига қатъий ишонч уйғотади. Ана шу ишонч туфайли биз маънавий жиҳатдан кучли ва боймиз. Қайта қуришнинг , умумий ишимиз муваффақиятининг муқаррарлиги бош кафолати совет кишиларининг интернационал жипслигидадир. Миллий муносабатлар соҳасида қандай зиддиятлар вужудга келмасин қардошлик, дўстлик ва бирдамлик руҳи доимо ғалаба қилишига ишончимиз комил.

Митингда сўзга чиққан кишилар халқларимиз ҳаётининг оғир кунларида доимо ёрдамга биринчи бўлиб қўшилар келганини таъкидлашди. Ашхобод ва Тошкентнинг зилзиладан сўнг тикланиши бунинг энг ёркин мисолидир. Ўзбек халқи бошпанасиз қолган тошкентликларни юзлаб туркман оилалари бағрига олганини, янги Тошкентни барпо этишда туркман бунёдкорлари ажойиб меҳнат қилишганини миннатдорчилик билан эслайди.

Дўстлик — одамларга доноликдан сўнг қилинган энг ажойиб совғадир. Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. А. Ниёзов митингда сўзлаган нутқида ана шу доно халқ мақолини тилга олди. Бу сўзларнинг ҳаққонийлигини совет республикалари кўп миллатли иттифоқининг бутун тарихий тараққиёти тасдиқламоқда. Улардан ҳар бирининг муваффақиятлари ва ютуқлари СССРдаги барча миллатлар ва элатларнинг меҳнати ҳамда кучғайратлари натижасидир. Ана шу бебаҳо инъомни асраш бизнинг бурчимиз.

Туркманистонда яшайдиган энг катта миллий группалардан бири ўзбеклардир. Улар қариб 9 процентни ташкил этади. Республикада ўзбек тилида ўқитиладиган 77 та мактаб ишлаб турибди. Ўзбек миллатига мансуб кишилар республика партия, совет, комсомол ташкилотларида анчагина. Тошовуз районида ўзбек тилида «Пахтакор» газетаси чиқади. Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетлари яқинда биргаликда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимга имзо чекишди. Бу битим ўзбек аҳолиниг дарсликларга, бадиий адабиётга талабини тўлароқ қондириш имконини беради. Туркманистон ва Ўзбекистон ҳақида буклетлар, альбомлар, китобчалар чиқариш планлаштирилмоқда. Ашхобод шаҳри, Чоржўй области ва Байрамали шаҳрига Ўзбекистон телевиденнесининг программалари олиб кўрсатилади. Туркман ва ўзбек театрларининг бир-бирларига гастролларни амалга оширилмоқда. Бу йил Тошкент оперетта театри Ашхободга боради, А. С. Пушкин номидаги рус драма театри Тошкентга келади.

Республикаларнинг айрим вакиллари ўзаро муносабатларида қийинчиликлар ҳам бўлди. Бироқ барча муаммолар ҳамжиҳатлик ва ишонч негизида ҳал қилиниши мумкин. Кўпгина масалалар, хусусан, сувдан фойдаланиш билан боғлиқ масалалар муваффақиятли ҳал этилмоқда. Иқтисодий алоқалар мустаҳкамланиб ва кенгайиб бормоқда.

Митингдан сўнг меҳмонлар В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйишди.

Делегациялар Чоржўй районидаги С. Халтурин номли колхоз марказий қўрғонига боришди, у ерда мотамсаро она мемориали пойига гуллар қўйишди, хўжаликнинг кичик мадений комплексини кўздан кечиришди. Улар колхозчиларнинг меҳнат ва турмуши билан қизиқдилар. Меҳмонлар Чоржўй районидаги «Москва» колхозининг қўйчилик комплексида бўлишди.

Шу куниёқ Р. Н. Нишонов билан С. А. Ниёзовнинг матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Учрашувларда КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими Ю. А. Томак қатнашди.

СССРда ИЖАРА ВА ИЖАРАВИЙ МУНОСАБАТЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

тиш-таъминот, қайта ишлаш, ремонт, қурилиш кооперативлари ва бошқа кооперативлар тузишлари мумкин.

Деҳқончилик хўжаликлари ўз фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда қонуний ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя этилишини таъминлаш мақсадида қатъий ихтиёрийлик асосида территориал уюшмаларга бирлашишлари мумкин.

6. Ижарачилар ташкилотининг аъзолари, шунингдек, қишлоқ хўжалигида якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахслар (деҳқончилик хўжаликларининг аъзолари) ишчилар ва хизматчилар билан баб-баравар социал страхование қилиниши ва социал жиҳатдан таъминланиши лозим. Ижарачиларнинг ташкилотлари ва деҳқончилик хўжаликлари давлат социал страхование фондига ўз даромадларидан СССР Министрлар Совети белгилаб қўйдиган тартибда ва миқдорда ажратма берадилар. Ижарачилар ташкилотидаги ёки деҳқончилик хўжалигидаги иш даври агар шу даврда страхование взнослари тўланган бўлса, меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

7. Ички хўжалик ижарасига ер бериш тўғрисидаги масала совхоз, колхоз ёки ердан фойдаланувчи бошқа ташкилотнинг ходимларига (колхоз аъзоларига) ер бериб қўйишдан асоссиз бош тортиши хусусида халқ депутатлари район (шаҳар) Советининг ижроия комитетига шикоят қилиниши мумкин.

Халқ депутатлари район (шаҳар) Советларининг ижроия комитетлари фойдаланилмаётган ёки нооқилона фойдаланилаётган ерларни ижарага бериш учун фонд вужудга келтириш мақсадида уларни совхозлардан, колхозлардан ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотларидан тортиб олиш ҳуқуқига эгадирлар.

8. Ижара шартномаси ижара берувчи билан ижарачи ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи асосий ҳужжатдир. Ижара шартномаси ихтиёрийлик ва томонларнинг тўла тенг ҳуқуқлилиги негизида тузилади. Шартнома конкурс асосида тузилиши мумкин.

Ижара шартномасида: ижара берувчининг мол-мулкни ижарачига шартнома шартларига мувофиқ келадиган ҳолатда, муайян муддатга бериб қўйиш мажбурияти, ижарачининг мол-мулкдан шартнома шартларига ва молмулкнинг хусусиятларига мувофиқ равишда маҳсулот ишлаб чиқариш (ишлар, хизматлар) ва даромад (фойда) олиш мақсадида фойдаланиш, мол-мулкни тузук ҳолатда сақлаш, ижара ҳақи тўлаш ва шартнома тугаганидан кейин ижара берувчига мол-мулкни қай ҳолатда олган бўлса, ишлатилганлигини эътиборга олиб, шу ҳолатда ёки шартномада белгиланган ҳолатда қайтариб бериш (ушбу Фармон учинчи моддасининг тўртинчи қисмида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно) мажбурияти кўзда тутилади.

Ижара шартномасига бошқа шартлар, шу жумладан, ижара берувчининг моддий-техника таъминотига, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга кўмаклашишга, фан-техника ютуқларини ва илғор технологияларни жорий этишга, ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантиришга, социал ривожланишга, ахборот, маслаҳат билан ёки бошқа тарзда ёрдам беришга, кадрлар тайёрлашга кўмаклашишга, ижарага олинган мол-мулкдан самарали фойдаланиш ва уни тегишли техникавий ҳолатда сақлаш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтиришга оид мажбуриятлари, шунингдек, ижара берувчи билан ижарачининг мулкий масъулияти тўғрисидаги шартлар ҳам киритилиши мумкин.

Шартномага мувофиқ олинган мол-мулкнинг ижарачи томонидан ёрдамчи ижарачига топширилишига фақат ижара берувчининг розилиги билан йўл қўйилади.

Ижарага олинган қишлоқ хўжалик экинзорларини бир турдан иккинчи турга фақат Ер қонунларининг талабларига мувофиқ ўтказиш мумкин.

Ижарачи ижарага олинган ер участкасида умумий тарқалган фойдали қазилмалар, торф ва сув объектларидан фойдаланишнинг ижара шартномасида бошқача тартиби кўзда тутилмаган тақдирда, улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланишга ҳақлидир.

Ички хўжалик ижараси (ижара пудрати) шароитида ижарачи шартномага мувофиқ маҳсулот етиштириш ва уни ижара берувчига ёки бошқа корхоналарга сотиш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Ижарачи шартномада кўрсатилган ҳажмдан ташқари етиштирган маҳсулотдан ўзи хоҳлаганидек фойдаланишга ҳақлидир.

Ижара пудрати шартномасининг шартларини томонлар ишчи ва хизматчиларнинг меҳнати тўғрисидаги қонунларга, шунингдек, колхозлар, бошқа кооперативлар ва ўзга жамоат ташкилотлари аъзоларининг меҳнат муносабатларини тартибга солувчи қонунларга мувофиқ белгилайдилар.

9. Ижара тўғрисидаги шартноманинг шартлари ўзгартирилиши ёки шартноманинг бекор қилинишига томонларнинг келишуви асосидагина йўл қўйилиши мумкин.

Томонлардан бирининг аризасига мувофиқ ижара шартномаси суд ёки арбитраж томонидан ўзгартирилиши ёхуд бекор қилиниши мумкин.

Ички хўжалик ижараси шароитида (ижара пудратида) шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги масала корхона меҳнат коллективининг кенгаши (колхоз аъзоларининг умумий йиғилиши) томонидан ҳал этилади. Корхона меҳнат коллективи кенгашининг (колхоз аъзолари умумий йиғилишининг) қарори хусусида халқ депутатлари район (шаҳар) Совети ижроия комитетига шикоят қилиниши мумкин.

Агар ижарачи мол-мулкдан шартномага мувофиқ ёки мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ фойдаланмаётган бўлса;

агар ижарачи мол-мулкнинг ҳолатини қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида ёмонлаштираётган бўлса;

агар ижарачи шартномада белгилаб қўйилган муддат мобайнида ижара ҳақини тўламаса;

агар қонунга мувофиқ ёки шартномага мувофиқ молмулкни капитал ремонт қилиш ёки янгилаш ижарачининг зиммасига тушадиган ҳолларда ижарачи мол-мулкни капитал ремонт қилмаётган ва янгиламаётган бўлса;

экинзорлар ижарачининг айби билан ёмонлашган, тупроқ унумдорлиги пасайган, ижарага олинган ерлар узоқ вақт мобайнида оборотдан чиқиб қолган тақдирда,

Ижарага берувчи шартномани ўзгартиришни ёки бекор қилишни талаб этиши мумкин.

Агар ижарага берувчи молмулкни капитал ремонт қилиш ёки янгилаш борасида ўз зиммасидаги мажбуриятни бажармаётган бўлса;

агар ижарачи жавобгар бўлмаган вазиятлар тақозоси билан мол-мулк фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келиб қолса;

агар ижарага олинган мол-мулкнинг бир қисми шартномада кўзда тутилган мақсадни амалга ошириш учун ортиқча экани маълум бўлиб қолса.

Ижарачи шартномани ўзгартириш ёки бекор қилишни талаб этишга ҳақлидир.

Ижарачи граждан пенсия ёшига етган ёки меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолган тақдирда шартномани ўзгартириш ёки бекор қилишни талаб этишга ҳақлидир.

СССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонунларида томонлардан бирининг аризасига биноан ижара шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилишнинг бошқа ҳолатлари ҳам кўзда тутилиши мумкин.

Ижарага берган давлат органи, корхонаси ёки ташкилоти тугатилиши ёхуд қайта ташкил этилиши ёки ижарага берилган объектнинг эгаси ўзгариши ижара шартномасининг шартларини ўзгартириш ёки уни бекор қилиш учун асос бўлмайди.

10. Ижара муддатлари шартномада белгиланади. Бунда ер, иморатлар, иншоотларни ва умуман корхоналарнинг мулкларини ижарага бериш одатда узоқ муддатли характерда — 5 йилдан 50 йилгача ва ундан ҳам узоқ муддатга белгиланиши керак. Мол-мулкнинг характери ва ижаранинг мақсадлари эътиборга олиниб, шартнома қисқа муддатли — 5 йилгача бўлиши мумкин.

Шартнома муддати тугагач, шартномага мувофиқ ўз зиммасига олган мажбуриятларни муносиб тарзда бажараётган ижарачи шартномани қайтадан тузишга ҳақлидир.

Шартноманинг муддати тугаллангунга қадар уни тўхтатиш тўғрисида томонлардан бири ариза бермаган тақдирда, у шартномада кўзда тутилган муддатга узайтирилган, деб ҳисобланади.

Ижарачи граждан билан шартнома тўхтатилган тақдирда мазкур граждан билан бирга яшаган ёки ишлаган оила аъзолари ижара шартномаси тузиш учун устун ҳуқуққа эга бўладилар.

Ижарачи вафот этган тақдирда ижарачилик ҳуқуқи унинг вафотигача у билан бирга яшаган ва ишлаган ворислардан бирига ўтади.

Ижара шартномаси тўхтатилган тақдирда ижарачи ва унинг оила аъзолари ер участкасини ва бошқа мол-мулкни ўзида қолдириш ҳуқуқини ҳамда томорқа участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар.

11. Ижара ҳақи жами мол-мулк ёки ижарага олинган мол-мулкнинг алоҳида ҳар бир объекти учун, натура, пул ва аралаш шаклларда белгиланиши мумкин. Ижара ҳақининг миқдори ва уни тўлаш тартиби шартномада белгиланади.

Ер ва бошқа табиат объектларини улардан бирламчи фойдаланувчи ижарага топширган тақдирда ижара ҳақининг шу объектларни, шунингдек, ижарачининг эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш инфраструктурасини сақлаш ва яхшилаш учун ижара берувчи қиладиган харажатларни қоплайдиган қисми ижара берувчига тушади.

Ижара ҳақининг қолган қисми халқ депутатлари район (шаҳар), шаҳардаги район Советининг даромадига тушади.

Ижара ҳақи билан бир қаторда ижарачи (корхоналар бўлинмаларининг коллективларидан ташқари) ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонунларига мувофиқ солиқлар (бюджетга тўловлар) тўлайди.

Ижарачилар ернинг ҳосилдорлигини ошириш тадбирларини рўёбга чиқариш, шунингдек, ишлаб чиқариш объектларини ва бошқа молмулкни яхшилаш натижасида олган даромадлар ижара ҳақининг кўпайтирилишига сабаб бўлмайди.

Ижара ҳақининг миқдорлари томонларнинг битишувига мувофиқ, шартномада кўзда тутилган муддатларда, аммо беш йилда кўпи билан бир марта ўзгартирилиши мумкин. Ижара ҳақининг миқдорлари Давлат бюджети ёки ижарага берувчининг маблағи ҳисобидан асосий фондлар ишга туширилган ёки модернизация қилинган тақдирда, марказлаштирилган тартибда белгиланадиган нархлар ва тарифлар қайта кўриб чиқилган ҳоллардагина ва қонунларда кўзда тутилган бошқа ҳолларда томонлардан бирининг талабига биноан муддатидан аввал қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Башарти, ижарачи жавоб бермайдиган ҳолатлар тақозоси билан шартномада кўзда тутилган хўжалик юритиш шароитлари ёки ижарага олинган мол-мулкнинг ҳолати анча ёмонлашган бўлса, ижарачи ижара ҳақини бергандан кейингина ер участкаси олинади.

15. Ижара шартномасини бажариш чоғида рўй берадиган низоларни суд ёки арбитраж ўз ваколатларига мувофиқ кўриб чиқади.

Ички хўжалик ижара шартномаси (ижара пудрати)ни бажариш билан боғлиқ юз берадиган низоларни корхона меҳнат коллективи кенгаши (колхоз аъзоларининг умумий йиғилиши), ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар қонунларида кўзда тутилган ҳолатларда эса суд ҳал этади.

Корхона меҳнат коллективи кенгаши (колхоз аъзоларининг умумий йиғилиши)нинг қарори хусусида халқ депутатлари район (шаҳар) Совети ижроия комитетига шикоят қилиниши мумкин.

16. СССР Министрлар Совети мазкур Фармонга амал қилиб, СССРда ижаравий муносабатларнинг иқтисодий ва ташкилий асосларини, шунингдек, ижаранинг айрим турларида ана шу муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради.

17. Иттифоқдош республикаларнинг қонунлари ушбу Фармонга ва ССР Иттифоқи Қонунининг бошқа актларига мувофиқ ижаравий муносабатларни Иттифоқ қонунларида кўзда тутилган, шунингдек, уларда кўзда тутилмаган ижара муносабатлари тариқасида тартибга солиб туради.

18. «Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида»ги СССР Қонунининг 25-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«25-модда. Ушбу Қонуннинг халқ хўжалигининг айрим тармоқларида ва корхоналарнинг айрим турларига нисбатан қўлланиш хусусиятларини СССР Министрлар Совети белгилаб беради.

СССР Министрлар Совети корхоналар ва ташкилотлар хўжалик ҳисобининг янги формаларини жорий этишга ва ушбу Қонунда белгиланган доирага нисбатан уларнинг ҳуқуқларини кенгайтиришга ҳақлидир».

19. СССР Министрлар Совети ушбу Қонунга амал қилиб ва мамлакатда ижара ҳаракатини ривожлантириш тажрибасини ҳисобга олиб, СССРда ижара ва ижара муносабатлари тўғрисида СССР Қонуни лойиҳаси тайёрласин ва уни 1990 йилнинг 1 июлигача СССР Олий Советига тақдим этсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
М. ГОРБАЧЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль.
1989 йил 7 апрель.

* * *

СССР Министрлар Совети 1989 йил 7 апрелда «СССРда ижаравий муносабатларнинг иқтисодий ва ташкилий асослари тўғрисида» қарор қабул қилди ва тегишли Низомни тасдиқлади.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ ПЛЕНУМЛАРИ

ЖИЗЗАХ. Сирдарё область партия комитетининг кеча бўлиб ўтган пленумида область партия ташкилотининг КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил март Пленуми қарорлари асосида аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилашга оид вазифалари кўриб чиқилди.

Область партия комитетининг биринчи секретари А. Ф. Клепиков доклад қилди.

Пленум қатнашчилари меҳнаткашларнинг хатлари ва оғзаки мурожаатлари билан боғлиқ ишларнинг аҳволини, кадрлар масаласи ва бошқа масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев нутқ сўзлади.

* * *

ФАРҒОНА. 8 апрелда Фарғона область партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум иштирокчилари область партия ташкилотининг КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил март Пленуми қарорлари асосида аграр сиёсатни такомиллаштиришга оид вазифаларини муҳокама қилдилар.

Область партия комитетининг биринчи секретари Ш. М. Йўлдошев доклад қилди.

Область партия комитети бюросининг аъзолари — Фарғона область ижроия комитетининг раиси Ҳ. М. Мажитов ва область агросаноат комитети раиси М. Ю. Исломовнинг область аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашнинг аҳволи ва уни яхшилаш ҳамда қишлоқни социал ривожлантириш тадбирлари тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди.

Пленум қатнашчилари область партия комитетининг XXIII область партия конференцияси қарорларини бажаришга оид тадбирлари комплекс планини тасдиқладилар.

Пленумда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимов нутқ сўзлади.

* * *

НАМАНГАН. Наманган область партия комитетининг кеча бу ерда бўлиб ўтган пленумида XVII область партия конференцияси қарорлари, партия ташкилотларида ҳисобот ва сайлов чоғида айтилган танқидий мулоҳазалар қандай бажарилаётгани, шунингдек, область партия комитетининг қайта қуришни ташкилий ва идеологик жиҳатдан таъминлашга оид вазифалари муҳокама қилинди.

Область партия комитетининг биринчи секретари Б. А. Алламуродов ахборот берди.

Ташкилий масала кўриб чиқилди. М. М. Расулов КПСС Марказий Комитети аппаратида ишлашга ўтганлиги муносабати билан у Наманган область партия комитетининг секретари ва бюро аъзоси вазифаларидан озод қилинди. Кўрсатилган икки номзоддан бири — илғари Тўрақўрғон район партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаб келган Х. Ғойиббоев область партия комитетининг секретари ва бюро аъзоси этиб сайланди.

(ЎзТАГ).

ИШОНЧ ОШМОҚДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

жаллаяпмиз ва уларнинг ўрнига янги қувватларни ишга туширмаймиз. Бу қурол учун ажратилаётган материаллар ишлаб чиқаришни бутунлай тўхтатиб қўйиш йўлида қўйилган яна бир катта қадамдир.

Химиявий қуролнинг тугатилиши — халқаро сиёсатни демилитарлаштиришнинг ғоят муҳим муаммосидир. Химиявий қуролни бир томонлама тартибда йўқ қилган ва масаланинг халқаро конференцияда ўртага қўйилишинг ташаббускори бўлган Буюк Британиянинг позициясини қадрлаймиз. Мамлакатларимиз ўртасида дурустгина ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бизнинг экспертларимиз Портон-Даундаги Британия илмий тадқиқот марказида, сизларнинг экспертларингиз эса бизнинг марказимизда бўлишди. Биз химиявий қурол йўқ қилинадиган объектларни қуриб бўлдик ва тез орада у ерга сизларнинг вакилларингизни таклиф этиш ниятимиз бор. Совет Иттифоқи химиявий қуролни батамом тақиқлаш ва тугатиш тўғрисида кенг ҳамровли халқаро конвенция тезроқ тузилиши учун қатъият билан курашади.

Биз ҳарбий соҳада ишлаб чиқаришни конверсиялашга оид бир қанча муҳим қарорлар қабул қилдик. Мудофаа саноати заводлари ва конструкторлик бюроларининг катта қисми ва у билан боғлиқ фан аҳоли учун товарлар, машиналар, ускуналар, аграр сектор, енгил ва озиқ-овқат саноати учун бошқа хил буюмлар ишлаб чиқаришга сафарбар этилди. Ҳарбий-транспорт авиациясининг катта қисми халқ хўжалиги юкларини ташишга ўтказилди. Совет Иттифоқи ўз ҳарбий фаолияти ошкоралигини таъминлаш соҳасида бир қанча йирик қадамлар қўйди. Биз тез орада ўзимизнинг мудофаа бюджетимиз тўғрисидаги маълумотларни эълон қилишимизни илгари айтган эдик. Янги Олий Совет ана шу иш билан шуғулланади. Қийинчилик шундаки, сўмимизнинг конверсияланмаслиги харажатларимизни Ғарбнинг ҳарбий харажатлари билан холис таққослашга халақит бермоқда. Ўз маълумотларимизни тақдим этишнинг энг мос усулини излаяпмиз.

Қуролли кучларимизнинг сонига келганда, ҳозирнинг ўзидаёқ қуйидагиларни маълум қилишим мумкин. Шу йилнинг 1 январигача қуролли кучларимиз 4 миллион 258 минг кишидан, жумладан, қуруқликдаги қўшинларимиз 1 миллион 596 минг, ҳарбий-денгиз кучларимиз 437,3 минг кишидан иборат. Қолганлари ракета қўшинлари, ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари, ҳарбий-ҳаво кучлари ҳамда оператив ва моддий-техника таъминоти кучларидир. Қуролли кучларимиз бир томонлама қисқартирилиши натижасида уларнинг умумий сони 1990 йилнинг охирига бориб 3 миллион 760 минг кишини ташкил этади. Қиёслаб кўрайлик: АҚШ қуролли кучларининг умумий сони миллий гвардияни (бизда бундай қисмлар қуролли кучлар составига киради) ҳисобга олганда, уч миллиондан ортиқ кишини ташкил этади. Айни пайтда АҚШ ҳарбий-денгиз кучларининг сони Совет Иттифоқидагига нисбатан 2 баравардан зиёд кўпдир. Биз Варшава Шартномаси ташкилоти ва НАТОнинг Европадаги ҳарбий потенциаллари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилдик. Улар тахминан баравардир.

Агар умуман Варшава Шартномаси ташкилоти билан НАТО қуролли кучлари стратегик ядро кучларини ҳисобга олиб таққосланадиган бўлса, Варшава Шартномасига оид маълумотлар қуйидагича: 5 миллион 300 минг киши; ўн ярим мингта самолёт; 4 минг 200 та жанговар вертолёт, 80 мингта танк; 160 та йирик сувости кемаси. НАТО танклардан ташқари мана шу барча қўрсаткичлар жиҳатидан Варшава Шартномаси ташкилотидан устунлик қилади. Бир сўз билан айтганда, «совет ҳарбий хавфи» хусусидаги таҳлика учун асос йўқ.

Маълумки, биз қуролсизланиш ишларида асоссиз ечимларга қаршимиз. Биз бир масалада бошқа масала юзасидан ечимга боғлиқ тарзда келишувга эришиш вазифасини ўз олдимизга қўймаймиз. Бироқ бу кўпроқ музокара жараёнини ташкил этиш муаммосидир. Асримизда ҳамма нарса объектив равишда ўзаро боғланган.

Масалан, агар НАТОда тактик ядро қуроли «модернизация» қилинадиган бўлса, бу нарса Вена музокараларининг боришига, ишонч тадбирларига, Европадаги бутун вазиятга таъсир қилмай қололмаслигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади, албатта. Ўртача ва камроқ олислик ракеталари тўғрисидаги шартнома соҳасида эришилган кўпгина ютуқларни бекор қилиш мумкин эмас.

Биз аминмизки, СССР билан АҚШ, Варшава Шартномаси билан Шимолий Атлантика иттифоқи ҳарбий-денгиз кучларини қисқартириш тўғрисида музокараларни бошлайдиган пайт келди. Совет ва Америка стратегик ҳужум қуроллари аслаҳаханоларини 50 процент қисқартириш тўғрисидаги масала Қўшма Штатлар билан муносабатларимиз кун тартибида ҳамон биринчи ўринда турибди. Биз исталган паллада музокараларни қайта бошлашга тайёрмиз.

Инсонпарварлик муаммоларига ва инсон ҳуқуқларига бағишланган конференциялар Европа жараёнида янги уфқларга чиқишда катта фурилиш бўлиши мумкин. Яна бир неча ҳафтадан кейин Лондонда ўтказиладиган ахборот анжумани бундай конференцияларнинг дастлабкиси, 1991 йилда Москвада ўтказиладиган конференция эса якунловчи анжуман бўлади.

Тенг ҳуқуқлилик шароитида умумий куч-ғайрат сарфлаш йўли билангина жаҳон экономикасида ҳалокатли ларзаларни истисно этиш мумкин. Туб ва адолатли ечимларни қидириб топишни кечиктирадиган ва вақтинчалик тадбирларга умид боғлайдиган бўлсак, ана шундай ларзалар бошланиши мумкин. Совет Иттифоқи экология соҳасида қатъиян мавжуд битимлар ва халқаро программалар доирасида иш олиб боради ҳамда тез орада шу пайтгача ўзи қатнашмаган программаларга қўшилади.

Пировардида М. С. Горбачев Совет — Британия муносабатларида яхши ўзгаришлар рўй бераётганлигини айтди ва Британиядаги барча оилаларга бахт-саодат, эсон-омонлик ва осойишталик тилади.

Сўнгра Бош министр М. Тэтчер баёнот берди. У шундай деди:

Жаноб Горбачев! Сиз Буюк Британияда улуғ мамлакатнинг раҳбари сифатида зўр ҳурмат-эҳтиромга сазоворсиз. Биз Сизни ўз мамлакатининг келажагини ўзгартириш ва умуман жаҳонга чуқур таъсир ўтказиш учун зарур бўлган ҳиссиёт ва шахсий фазилатлар соҳиби бўлган ноёб кишилардан бири, деб биламиз. Бугун Сиз Совет Иттифоқида рўй бераётган жуда катта ўзгаришлар тўғрисида гапирдингиз ва биз ана шу ўзгаришларни диққат билан кузатиб турибмиз ва Сиз ўз вазифангизни ҳал этишга улгуришингизни астойдил истаймиз. Шу боисдан ҳам биз совет халқи учун яхшироқ турмуш шароитларини яратишингизга, айни пайтда мамлакатингизда улкан демократия, инсон ҳуқуқлари ва эркин сайлов сари қўйилган ҳар бир қадам бизни яқинлаштиришига ишонамиз. Биз амалий жиҳатдан сизларга ҳар томонлама ёрдам беришга тайёрмиз. Бу ерда, Лондон марказида тажрибада тенгсиз савдо-сотиқ ва экономика жамланган, бинобарин, Сиз бу ерда ўзингизнинг иқтисодий ислоҳотларингизга қизиқиш ғоят зўр эканлигига ҳамда бу жараёнда қатнашишга бажонидил тайёр турилганлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Сиз қайта қуриш дуч келаётган қийинчиликларни эслатиб ўтдингиз. Қийинчиликлар бор, албатта ва улар буюк ташаббуслар билан боғлангандир. Биз қийинчиликлар бартараф этилишига ишонамиз ва сўнгги сайлов бу ишончимизни тасдиқлади.

Биз ҳам хавфсизлигимиз ва мудофаамиз мунтазам таъминланган шароитда кўрол-ярғолар камроқ бўлишини истаймиз. Биз ҳам жаҳон муаммолари куч ишлатиш йўли билан эмас, балки музокаралар йўли билан ҳал этилишини афзал кўрамиз. Биз ҳам кенг кўламдаги жуда катта муаммоларни ҳал этишда биргаликда ҳаракат қилишни истаймиз. Жаноб Президент, Сиз Умумевропа хонадони тўғрисида гапирдингиз. Иккаламиз ҳам ана шу хонадонда ўзимизни хавфсиз сезишни истаймиз. Ғарбий Европанинг хавотирланиши камайди, бироқ хавфхатар узил-кесил бартараф этилиши учун олис йўлни босиб ўтиш керак бўлади. Кейинги вақтда жуда катта ва муҳим ўзгаришлар рўй берди ва биз ана шу мақсад сари олға томон бора бошладик.

Биз бунинг учун хоҳиширода, ақл-идрок ва қатъиятни намоён этсак келажагимизни барпо эта оламиз. Сиз ўзингизнинг ажойиб нутқингизда ана шу вазифани ҳал этишга ҳозирдаёқ киришганлигингизни намоён этдингиз. Биз бу ерда баён этган муддаоларингиз амалга ошириладиган кунни сабрсизлик билан кутамиз.

Биз Сизнинг нутқингизни зўр эътибор билан ўрганиб чиқамиз. Сизга ва бутун совет халқига ҳар жиҳатдан муваффақиятлар, равнақ ва барча режаларингиз амалга ошишини тилаймиз.

Гилдхоллдаги учрашув тугагандан кейин Совет Иттифоқидан келган меҳмонлар Англия қироллариннг шаҳар чеккасидаги қаровгоҳи — Виндзор томон йўл олдилар. Лондондан 37 километр олисдаги қаср хушманзара боғлар ва ям-яшил ўтлоқлар орасидаги чоғроқ тепаликда қад кўтарган.

М. С. Горбачев ва Р. М. Горбачевани Буюк Британия қироличаси Елизавета II ва унинг турмуш ўртоғи Эдинбург герцоги шаҳзода Филип кутиб оладилар. Ўзаро саломлашувдан кейин Эдинбург герцоги М. С. Горбачевни фахрий қоровул сафларини айланиб ўтишга таклиф этади. Совет раҳбарини қоровул бошлиғи рус тилида табриклайди.

Совет Иттифоқининг Гимни янграйди.

Буюк Британия қироличаси Совет Иттифоқидан келган олий мартабали меҳмон шарафига уюштирган зиёфатидан кейин М. С. Горбачев Виндзор қасри эгалари билан самимий хайрлашади ва Хитроу аэропортига йўл олади.

Учиб кетиш олдидан аэропортда совет раҳбарини тантанали кузатиш маросими бўлди. Маросимда қироличанинг махсус вакили ва қиролича мулозимларининг лорди, Буюк Британия Бош министри Маргарет Тэтчер ва унинг турмуш ўртоғи Денис Тэтчер, ташқи ишлар министри Жеффри Хау ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Қироллик ҳарбий-ҳаво кучлари офицерларининг фахрий қоровули саф тортди, Совет Иттифоқи Гимни ижро этилди.

Михаил Горбачев ва Маргарет Тэтчер қисқача баёнот бердилар.

М. С. Горбачев билан бирга КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Н. Яковлев, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. М. Каменцев жўнаб кетдилар.

Н. ЖЕЛЕЗНОВ,
Ю. ЛЕВЧЕНКО,
В. ЧУКСЕЕВ,
Г. ШИШКИН.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий туғилган куннинг 100 йиллиги олдидан

КЎП ҚИРРАЛИ ИСТЕЪДОД СОҲИБИ

7 апрель куни Тошкентда бўлган илмий конференцияда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ўзбек совет маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришдаги роли ҳақида гап борди. Конференция ниқилобчи шоир туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланди. Санъатшунослик институти залида адабиётшунос олимлар, адиблар, шоирлар, театр арбоблари, кинематографчилар тўпланишди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Комил Яшин ўзининг Ҳамза билан учрашувлари ҳақида гапирди. Филология фанлари доктори, профессор Л. П. Қаюмов ўз нутқида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти қилган катта ишлар ҳақида гапирди. Ана шу ишлар туфайли юбилей арафасида шоирнинг янги беш жилдли асарлар тўплами чиқарилди. Бу мажмуага муаллифнинг илгари эълон қилинмаган юзга яқин асари — шеърлари, «Янги бахт» романи, мақолалари ва хатлари кирган. Ҳозир Ҳамза эпистоляр меросини нашр этиш устидаги ишлар давом эттирилмоқда. Бу ишни республика фанлар академиясининг Қўлёзмалар институти олиб бормоқда. Унга Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг хатлари, кундаликлари, эълон қилинмаган асарларининг қораламалари киради.

Конференцияда Ҳамзанинг жуда кўп соҳаларга қизиқканлиги, адабиёт, санъат, халқ маорифи, ижтимоий фаолиятда ўз изини қолдиргانлиги таъкидланди. Докладларда Ҳамзанинг театр ва маориф ҳаракатини ривожлантиришдаги роли, шоир асарларининг ҳажвий йўналиши, ижодининг замонавий санъаткорларга таъсири таҳлил этилди. Ўзбек халқи учун фарзандининг образи адиблар ва мўйқалам соҳиблари, кинематографчилар ва композиторларнинг кўпгина авлодларини санъат асарлари яратишга илҳомлантирди. Қайта қуриш ва жамиятимизни демократиялаш шароитида Ҳамза Ҳакимзоданинг кўп асарлари янгича аҳамият касб этиб, шу куннинг руҳида жаранглаётганлиги, салбий ҳодисаларни фош этиш ва улар устидан кулишга ёрдам бераётганлиги, одамларда юксак гражданлик туйғусини тарбиялаётганлиги таъкидланди.

Юбилей тантаналари, деб таъкидладилар конференция қатнашчилари, Ҳамзанинг илгари оммалашмаган асарларини ўрганишга янги омил бағишлаш керак. Шоир ижодини турғунлик йилларида амал қилинган тарафкашлик ва бирёқламалиққа йўл қўймай, унинг бутун ранг-баранглигида тақдим этиш зарур.

[ЎзТАГ].

НОМЗОД КЎРСАТИЛДИ

Қувасой чинни заводида меҳнат коллективи вакилларининг сайловолди конференцияси бўлди. Ишчи М. Исоқовани СССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисида таклиф киритилди. Сўзга чиққан кишилар унинг меҳнатсеварлиги, ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий масалаларни ҳал қилишдаги принципиаллигига юксак баҳо бердилар.

Конференция қатнашчилари Малиҳахон Исоқовани 125-Фарғона миллий-территориал сайлов округидан СССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатишга қарор қилишди.

(ЎзТАГ).

Эртага Ўзбекистонда Иркутск области маданияти кунлари бошланади

ДЎСТЛИК — ҚУДРАТЛИ КУЧ

Дўстлик — энг катта бойлик. Унинг шарофати билан турли миллат ва халқларнинг ҳар томонлама ҳамкорликлари тобора чуқурлашмоқда, миллий маданиятларнинг ўзаро яқинлашуви натижасида мазмунан социалистик, миллий жиҳатдан кўпқиррали, маънавий жиҳатдан интернационалистик совет турмуш тарзи қарор топмоқда.

Халқлар ўртасидаги қардошлик, биродарлик ўзаро мулоқот — бу ленинизм руҳига, Улуғ Октябрь анъаналарига, Ватанимизда яшаётган барча миллат ва элатларнинг туб манфаатларига мувофиқдир.

Мамлакат тараққиёти партиямиз раҳбарлигида ҳар бир миллат ва элат фаровонлигини уларни янада яқинлаштириш манфаатларини кўзлаб амалга ошириб келинди. Ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам шундай бўлаверади. Ўзаро учрашувлар, фестиваллар, маданият кунлари ҳам ана шунга хизмат қилади.

Республикамиз меҳнаткашлари билан сибирликлар ўртасида ўзаро мулоқот ажойиб анъанага айланиб бормоқда. 1987 йил кузида Ўзбекистон вакиллари Байкал бўйларида адабиёт ва санъат кунлари ўтказишган эди. Мана, энди РСФСР Иркутск области меҳнаткашлари вакиллари маданият кунларини ўтказиш учун серқуёш диёримизга ташриф буюрмоқдалар. Шу муносабат билан «Совет Ўзбекистони» мухбири Д. Маҳмудова Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раиси ўринбосари, Ўзбекистонда Иркутск маданият кунларини ўтказиш ташкилий комитетининг раиси С. У. Султонова билан суҳбатлашди.

— Сайёра Умаровна, республикамизда Иркутск области маданият кунларининг ўтказилиши аҳамияти тўғрисида нима дейсиз!

— Ҳозирги давримизнинг энг актуал масалаларидан бири халқлар ва миллатлар ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлаш, бу дўстликни рўёбга чиқарадиган ҳамма омиллардан унумли фойдаланишдир. Шу нуқтаи назардан қараганда, маданият кунларининг ўтказилиши диққатга сазовордир. Ҳар бир миллатнинг маданияти, адабиёти ва санъати доимо бошқа халқлар учун қизиқарли, ўрганиш ва завқ олиш манбаи бўлиб келган. Бу, ўз навбатида, ўзаро дўстликни мустаҳкамлаш, унинг янгиданянги қирраларини кашф этишга хизмат этган.

Декадалар, ҳафталиклар, бирор халқнинг маданияти кунларини ўтказиш Совет ҳокимияти йилларида қарор топган энг яхши интернационал анъаналаримизнинг рамзи бўлиб қолди. Маданият кунларида адабиёт ва санъатнинг бир халқ маънавий маданиятининг ўзига хос томонлари бошқа элда кўз-кўз қилинади. Байрамона кайфиятлар, дўстона учрашувлар фақат санъаткорларнигина эмас, балки халқларни ҳам, миллатларни ҳам бир-бирига яқинлаштиради.

Тўғри, қайта қуриш даврида биз маданият кунларини ўтказишнинг янги йўллари ва хусусиятларига ҳам аҳамият беряпмиз. Бундай учрашувлар фақат ҳисобот учун эмас, фақат расмий тантанаворлик ифодаси эмас, балки чинакам ижодий мусобақа, мушоҳада, бир-бирига устоз ва бир-бирига шогирдлик руҳида ўтишини кўзлаяпмиз.

Дарҳақиқат, КПСС XXVII съезди ва XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси материалларида таъкидлаб ўтилганидек, СССР халқларининг ҳозирги замон маданияти тараққиёти ўзаро таъсир ва ўзаро бир-бирини бойитиш тенденцияси асосида қурилгандир. Бинобарин, бундай учрашувлар одамлар ўртасидаги самимият, дўстлик ва биродарлик туйғуларини мустаҳкамлашдан ташқари маданиятлар тараққиётига ҳам катта замин ҳозирлайди. Бу учрашувга биз алоҳида эътибор бермоқдамиз. Чунки Ўзбекистон халқлари улкан Россия маданиятининг бир заррин нури билан танишади. Шу билан бирга қардошларимизни ҳам республикамиз социал-иқтисодий ва маданий тараққиёти билан таништириш имкониятига эга бўлмоқдамиз.

КПСС Марказий Комитетининг миллий масалага бағишланадиган навбатдаги Пленуми олдидан республикамиз халқлар дўстлиги рамзи — Иркутск области маданият кунларининг ўтказилиши жуда катта маданий ва сиёсий аҳамиятга эгадир.

— Ўзбекистон меҳнаткашлари қардошларимиз маданиятининг қайси турлари билан таништирдилар!

— Аввало шуни айтиш керакки, Иркутск областидан ҳаммаси бўлиб 500 га яқин меҳмонлар келишади. Улар область ижодий ташкилотлари, ҳаваскорлар ва илғор меҳнат коллективларининг вакилларидир. Делегацияга КПСС Иркутск область комитетининг секретари Виктор Павлович Иваницкий бошчилик қилади.

Иркутск маданият кунларининг асосий қатнашчилари санъаткорлардир. Улар орасида область филармониясининг симфоник оркестри, Иркутск музикали комедия театрининг балет труппаси, рус халқ чолғу асбоблари оркестри, «Сибирь булоқлари» ашула ва рақс ансамбли, миллий фольклор ансамбллари сингари йирик коллектив бор.

Иркутск маданият кунлари 10 апрель куни кечқурун В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройида очилади. Шу куни Ҳамза номидаги санъатшунослик институтида маданият кунлари қатнашчилари иштирокида матбуот конференцияси ўтказилади. Кино уйида Иркутск область рассомлари асарларининг кўргазмаси, Санъат музейида эса Иркутск бадиий музейи фонди томонидан ташкил этилган «Рус портрети. XVIII—XIX асрлар» деб номланган кўргазма, Ўзбекистон амалий санъати музейида «Бурят бадиий металлари» кўргазмаси, Алишер Навоий номидаги давлат кутубхонасида эса «Иркутск замини» деб аталган китоблар кўргазмаси очилади. Кино уйида Иркутск ҳужжатли фильмлар студиясининг фильмлари фестивали бошланади. Пойтахтликлар «Баҳор» ресторанида машҳур Сибирь чучварасидан татиб кўришлари мумкин. Иркутскдан келган 12 ошпаз маданият кунлари ўз маҳоратларини намойиш этадилар.

Меҳмонлар Тошкентдан ташқари яна қаерларда бўлишади, қандай учрашувлар кутилмоқда!

— Маданият кунларини ўтказишдан мақсад иркутскликлар маданияти билангина танишиш эмас, балки меҳмонларни ҳам ўзбек халқи ҳаёти, турмуш маданияти билан яқиндан таништиришдир. Айниқса, қишлоқ меҳнаткашлари билан учрашувларга кенг имконият яратилади. Шунга кўра 11 апрелдан бошлаб меҳмонлар учун маршрутга бўлинган ҳолда республикамиз областларига йўл оладилар. Биринчи маршрутда меҳмонлар Сирдарё ва Самарқанд областларида бўладилар. Иккинчи маршрутдагилар эса Бухорога йўл оладилар. Учинчи маршрутдагилар Нукус шаҳрига ва автоном республиканинг бошқа районларига ташриф буюрадилар. Меҳмонлар билан хайрлашув кечаси (14 апрель куни) А. Навоий номиги опера ва балет театрида бўлади. Унда дўстлик концерти намойиш этилади. Кўриниб турибдики, меҳмонларимизнинг ҳар бир куни, ҳар бир соати биз учун ҳам, улар учун ҳам энг ҳаяжонли ва мазмунли дамлар бўлади.

— Ўзбекистонда Иркутск области маданият кунлари қариб бир ҳафтагина (10—14 апрель) давом этади, холос. Лекин бу маданий мулоқот шу билан узилиб қолади, деган гап эмас. Шундай эмасми!

— Албатта, маданий мулоқотларнинг ўзига хос энг яхши томони шундаки, бир ўлка вакиллари билан бошқа ўлка кишилари яқиндан танишадилар. Меҳмонлар ўз санъати, маданияти, адабиёти, музикаси, кино асарлари ўзга жойларда қанчалик эътибор топганини ҳис қиладилар. Бундай амалий тажриба алмашувлар ўз навбатида умумлаштиришни, улардан кейинги ўзаро мулоқотлар учун фойдаланишни ҳам тақозо этади. Ана шуларни кўзда тутиб, биз партия, давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, ёзувчилар, композиторлар, кинематографчилар, санъат арбоблари ва ҳаваскорлик коллективлари, қишлоқ хўжалиги ва саноат ходимларининг мақолалари, очерклари ва бошқа хабарларни, шунингдек телерадио эшиттиришларини мунтазам равишда алмаштириб туришни ҳам режалаштирдик. Бунинг учун республикамиз ижодий союзлари ва олимлари, санъаткор ва илғор ишчилари фаоллик кўрсатишлари керак, албатта.

Дўстлик, биродарликни мустаҳкамлаш олдидаги масъулиятни унутмаслик керак. Ана шунда биз бошлаган хайрли ишларимиз гуркираб ривожланаверади, халқларимиз дўстлиги, ҳамкорлиги умумий тараққиётимизга хизмат қилаверади.



ИРКУТСК ОБЛАСТИ. Суратларда: 1. Ленин орденли Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги номидаги Братск ГЭСи. 2. Областдаги ёш шаҳарлардан бири Ангарскнинг бугунги жамоли.

ТАСС фотохроникаси.

✦ БУХОРО. Вобкент районидаги Охунбобоев номли колхозда қўзиқоринининг шампиньон турини кўпайтиришга киришилди. Бунинг учун 50 квадрат метр жой ажратилди. Дастлаб 30 килограмм ҳосил йиғиштириб олинди. Ҳозирги кунда бу экинни яна кўпроқ майдонларга экишга ҳаракат қилиняпти.

А. ВОҲИДОВА.

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

✦ СУРХОНДАРЁ. Жарқўрғон районидаги Ҳ. Ориимжон номли совхоз деҳқонлари чигит экишни кун сайин қизитмоқдалар. Айниқса, Б. Бакиров бошлиқ бўлим деҳқонлари бу ишда кўпчиликка намуна бўлишяпти. Совхоз деҳқонлари бу йил давлатга 4 минг 500 тонна пахта сотишга аҳд қилишган.

Ҳ. ХЎЖАМҚУЛОВ.

ҚАРДОШЛИКНИНГ ҚАДРИ БАЛАНД

Ўзбекистон телевиденияси Арманистонда юз берган табиий офатга бағишланган махсус кўрсатув ва программаларини томошабинларга ўз вақтида ҳавола этиб, кўпчиликни хурсанд этган эди. Арманистонда ишлаётган қурувчиларимизнинг фаолиятини тасвирловчи телекадрларни экранга чиқариш давом этмоқда.

Тележурналистларимиз Тожикистоннинг Ҳисор районида юз берган табиий офат, у ерда кўрсатилаётган жасорат, кишиларнинг бир-бирига бўлган меҳр-оқибати, қардошлигини кўрсатувчи программани ҳам ўз вақтида тайёрладилар.

Бу галги кўрсатув муваффақиятли чиқишида тожикистонлик тележурналистлар билан қилинган ҳамкорликнинг роли катта бўлган.

Экранда табиий офатдан вайрон бўлган қишлоқлар, жафо кўрган, жигарбандларидан ажралган кишилар... Улар зилзила қандай бошланганини ҳикоя қилишаркан, ўзларига биринчи бўлиб ёрдам кўрсатган ўзбекистонлик қардошларига миннатдорчилик сўзлари ҳам айтадилар. Ҳа, чинакам дўст бошга кулфат тушганда билинади, дейди донолар. Республикамиз партия ва ҳукумати зилзила юз берган куннинг ўзидаёқ қардошларимизга моддий, маънавий ёрдам кўрсатишга ошикди. Ёрдам фондига маблағ ажратиш тўғрисида бир овоздан қарор қилинди.

Деярли барча областларимиздан вакиллар, аниқроғи қайта тиклаш ишларида қатнашишга отланган бинокорлар, ўтюрак ёшлар табиий офат юз берган районга келишди. Улар қурилиш ишларини ўз вақтида бошлаб, давом эттиришар экан, кўнгил кўтарувчи, далда берувчи сўзлари билан дўстларига ҳамдард бўлдилар. Шуниси қувончликки, зилзиладан кейин биринчи бўлиб қурилган, ишга туширилган мактаб, уйни ўзбекистонлик бинокорлар бунёд этишди.

Видеофильмда иштирок этган Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Қ. Маҳкамов шундай дейди: «Зилзила туфайли ўн саккиз минг одам бошпанасиз қолди. Биринчи навбатда ана шу кишиларни уйжой, яшаш учун, тирикчилик учун зарур нарсалар билан таъминлаш керак. Вайрон бўлган қишлоқлар ўрнида янги типдаги посёлкалар тикланади. Ҳозир барча қардош республикалардан, ҳатто чет эллардан узлуксиз ёрдам келиб турибди. Биз биринчи навбатда ўзбек биродарларимиздан, уларнинг ёрдамидан миннатдорчилигимизни билдиришимиз керак. Дўстларимиз ҳақиқий қардошлик, биродарлик намуналарини кўрсатмоқдалар».

Кўрсатув афзалликларидан бири шундаки, унда одамлар табиат хуружига кучли ирода, уюшқоқлик, бирдамлик, энг муҳими, матонатни қарши қўяётганлиги ҳаётий лавҳаларда тасвирланган. Қардошларимиз ҳузурида меҳнат қилаётган қурувчи А. Зуҳуров «Тожик дўстларимизнинг дарди — бизнинг дардимиз» дейди. С. Олтибоев эса, «Оғир дамларда тожик дўстларимизга елкамизни тутамиз, қўлни-қўлга бериб, енг шимариб меҳнат қилиб, табиий офат келтирган зарарни бартараф этамиз», дейди ишонч билан.

Мазмунли, анча тўкис чиққан видеофильмда чўзиб юборилган лавҳалар, ўринсиз қайтариқлар учраб туради. Ҳуда-беҳудага аввалги кўрсатувлардан айрим парчалар тиқиштирилади. Кўрсатув бошқарувчилари, илгаригидек, жойларда одамлар билан савол-жавоблар ўтказишда нўноқлик қилмоқдалар.

Ўзбекистон ва Тожикистон телевиденияси ҳамкорликда тайёрлаган кўрсатувлар давом этади. Келгуси ишлар янада мароқлироқ, янада тўкисроқ бўлиш учун масъулият билан, шошилмасдан ижод қилиш керак.

А. КАРИМОВ.

● СЎНГГИ ПОЧТАДАН

ЯНГИ ГАЗЕТА

ГУЛИСТОН. (жамоатчи мухбиримиз А. Умаров хабар қилади). Шаҳар партия комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи **«Гулистон янгиликлари» — «Гулистанские новости»** газеталари чиқа бошлади. Газеталар ҳафтада икки марта ўзбек ва рус тилларида чоп этилади.

Янги газетанинг дастлабки сонидан шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ҳусанбоевнинг «Ҳаётимиз кўзгуси», шаҳар тикувчилик фабрикасининг мотористи, СССР халқ депутати Г. Бекпўлатованинг «Ишончингизни оқлайман», паррандабоқар Н. Ҳайдарованинг «Янгича ишлаш сабоғи», журналистлар А. Яхшиликов, М. Аҳмедовларнинг шаҳар ҳаётига оид долзарб муаммолар кўтарилган мақолалари, фотосуратлар, турли матбуот органлари, жамоат ташкилотларининг табриклари ўрин олган.

Газеталарнинг дастлабки сонларини шаҳар меҳнаткашлари катта қизиқиш билан кутиб олдилар. Унинг тиражи ҳозирнинг ўзидаёқ 8 минг нусхадан ошиб кетди.

Дунё овози

ГАИТИ:

ТЎНТАРИШГА УРИНИШ

Гаитида давлат тўнтариши қилишга уриниш бўлди.

Ахборот министрининг хабарига қараганда, якшанба куни бир гуруҳ исёнчи офицерлар «қоплонлар» ва «дессалин» сараланган батальонлари ёрдамида президент саройини ўраб олишди ва П. Авриль ҳукуматини ағдариб ташлашга ҳаракат қилишди. Министр президент ҳамда ички ишлар ва миллий мудофаа министри қамоққа олинганлиги ҳақидаги миш-мишларни рад этди. Президент гвардиясининг қатъий ҳаракатлари туфайли давлат тўнтаришига уриниш барбод қилинди, деди у. Министрнинг сўзларига қараганда, П. Авриль ҳукумати мамлакатдаги «аҳволни тўла назорат қилиб турибди». Ҳукумат баёнотида Гаити аҳолиси тинчликни сақлаш ва сабот-матонат кўрсатишга даъват этилади.

Кузатувчилар давлат тўнтаришга уринишни П. Аврилнинг тўрт нафар полковникни ўз лавозимидан олиб ташлашга қарор берганлиги билан боғламоқдалар. Бу кишилар шу кунларда халқаро наркотиклар савдоси билан шуғулланишда айбланган эдилар.

АНГЛИЯ:

ОММАВИЙ НАМОЙИШ

«Британияликлар ядро қуролига қарши» шиори остида Лондоннинг марказида тинчлик тарафдорларининг оммавий намойиши бўлди.

Ядровий қуролсизланиш учун кураш Британия ҳаракатининг ташаббуси билан минглаб кишилар пойтахт кўчаларига чиқдилар. Бу намойиш Шимолий Атлантика шартномаси ташкил этилганига 4 апрель куни 40 йил тўлиши муносабати билан ўтказилди. Намойиш қатнашчилари бир-бирларининг қўлларини ушлаб мудофаа министрлигидан соғлиқни сақлаш ва социал таъминот министрлиги биносигача жонли ҳалқа ташкил этдилар.

ФРАНЦИЯ:

ЕТТИНЧИ ҲАФТА

Франциянинг Корсика оролида давлат хизматчилари умумий забастовкасининг еттинчи ҳафтаси бошланди.

Меҳнаткашларнинг иш ҳақини ошириш, оролнинг социал-иқтисодий қолоқлигини бартараф этиш учун чоратадбирлар кўриш тўғрисидаги талабига ҳукуматнинг жавобидан қониқмаган етакчи касаба союз бирлашмалари курашни давом эттиришга қарор қилдилар.

ПАРАГВАЙ:

ПРЕЗИДЕНТ ЛАВОЗИМИГА НОМЗОД

«Колорадо» ҳукмрон партиясининг съездида давлат бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи генерал Андрес Родригес Парагвай президенти лавозимига номзод этиб тасдиқланди.

Шу йилнинг февралида генерал 34 йил давомида мамлакатга ҳукмронлик қилиб келган Лотин Америкасидаги энг кекса диктатор Стресснерни ағдариб ташлаган ҳарбий тўнтаришга бошчилик қилган эди.

Ҳарбий тўнтариш вақтидан буён Парагвайда 12 сиёсий партиянинг очиқ фаолият кўрсатишига рухсат этилди, Стресснер режими даврида бу партиялар фолияти тақиқлаб қўйилган эди. Бироқ Парагвай коммунистлари ҳамон яширин иш олиб боришга мажбур бўлмоқдалар.

(ТАСС).

● ЭКОНОМИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ШАХСИЙ КОМПЬЮТЕРЛАР

Сурхондарё область ижроия комитетида шахсий компьютерлар ишга туширилди. Улар ҳозирча жуда кам. Бу машиналар Совет—Австрия муштарак корхонаси — «Интермикро» компьютерларининг яқинда Тошкентда бўлган кўргазмасида сотиб олинган эди.

Область ижроия комитетида компьютерлаш ишига жиддий киришдилар. «Интермикро» Ўрта Осиё филиали билан тузилган шартномага биноан, Термизда шахсий ЭҲМ намуналари кўргазмаси очилади. Филиал мутахассислари бу техника имкониятларини намойиш этишади, сўнг ижроия комитет ва область агросаноат комитети маъмурий-бошқарув аппарати мутахассисларини унда ишлашга ўргатиш учун махсус курс очадилар.

Автоматлаштирилган ишчи ўринларини ташкил этиш, ахборотни компьютер ёрдамида қайта ишлаш иш вақтининг унумсиз зое кетишидан ва шу сабабли долзарб масалаларни ҳал этишда келиб чиқадиган сансалорликдан халос бўлишга ёрдам беради. «Интермикро» корхонасининг буюртмачилари электрон техниканинг самарадорлиги ва қулайлигига ишонч ҳосил қилдилар.

(ЎзТАГ).

● *Бугун—Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари куни*

Мустаҳкам қалқон

Ҳар йил апрелнинг иккинчи якшанбасида халқимиз мамлакат Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари кунини нишонлаб, ўзининг ҳурмат-эҳтиромини бажо келтиради. Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари бундай обрў-эътиборга ўз жасоратлари билан муяссар бўлганлар. Қўшинларнинг бу тури қарор топиш ва ривожланишнинг узоқ йўлини босиб ўтди. Мамлакат маъмурий-сиёсий ва саноат-иқтисодий марказларини муҳим ҳарбий объектлар ва Қуролли Кучлар группаларини осмондан бериладиган зарбадан ҳимоя қилишнинг воситалари ва усуллари йил сайин такомиллашиб боряпти. Агар 1922 йилда Қизил Армия қўшинлари штабида биринчи марта Ҳаво ҳужумидан мудофаа масалалари билан шуғулланувчи бўлим тузилган бўлса, 1954 йилга келиб армияда Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларининг бош қўмондони лавозими таъсис этилди. Машҳур совет ҳарбий саркардалари М. С. Громадин, Л. А. Говоров, С. С. Бирюзов, П. Ф. Батицкий ва бошқалар мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари тараққиётига катта ҳисса қўшдилар.

Ҳозирги пайтда Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари бир неча турга эга. Булар — зенит ракетаси қўшинлари, қирувчи авиация ва радиотехника қўшинларидир. Уларни техник жиҳатдан қуроллантириш мунтазам равишда такомиллаштириляпти. Қирувчи самолётлар, зенит ракетаси комплекслари, радиолокация техникасининг янги типлари улар ихтиёрида. Ядро қуролининг мавжудлиги, турли мақсадлардаги ракеталар кўпаяётганлиги, қанотли ракеталарга ва радиоэлектрон техникага эга самолётлар дунёга келаётганлиги сабабли Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларининг аҳамияти кескин ошиб кетди. Улар партия XXVII съезднинг ҳушёрликни ва жанговар тайёргарликни ҳар томонлама ошириш, интизом ва тартибни мустаҳкамлаш ҳақидаги тарихий қарорларига ўзларининг конкрет ишлари билан жавоб бермоқдалар.

Суратда: Н-қисмнинг зенит ракетаси дивизионида.

А. КУЗЯРИН фотоси

(ТАСС).



Акс-садо

Муаммолар ҳал этиляпти

— Алло, редакциями!.. Мен «Совет Ўзбекистони» газетасининг кейинги сонларида берилган айрим мақолалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларимни телефон орқали бўлса-да, қисқача айтсам дегандим...

— Кечирасиз, ўзингизни таништирсангиз.

— Самарқанд область Нурота районининг «Ўзбекистон комсомоли 50 йиллиги» совхози директорининг маданий ишлар бўйича ўринбосариман.

— Марҳамат, айтинг.

— Газетанинг 5 апрель сонида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг оммавий тадбирлар ўтказишни тартибга солиш тўғрисидаги тадбирларини ўқидим. Унда шундай сатрлар бор экан: «Шу йил 19 мартда В. И. Ленин номли майдонда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети рухсат бермаган митинг уюштирилди, У шаҳарнинг марказий қисмида аҳволни мураккаблаштирди. Жамоат транспорти иши графигига жиддий путур етказди. Совет ва чет эл гражданларига туристик-экскурсия хизматини кўрсатишни барбод қилди. Бу маънавий жиҳатдан ташқари анчагина моддий зарар ҳам етказди. Мазкур тадбир ташкилотчилари айрим масъулиятсиз шахсларнинг безориларча хатти-ҳаракатларининг олдини ололмадилар...»

Партия ва ҳукуматимиз кенг ошкоралик ва демократия шароитларида совет жамиятини қайта қуришнинг муҳим муаммоларини ҳал этишга киришгани барчага маълум.

Мен аминманки, ўзбек тилига давлат статуси берилиши тўғрисидаги масала ижобий ҳал этилади. Рус тили эса миллатлараро алоқа воситаси сифатида қолади ва бундан буён ҳам катта ижтимоий тарихий вазифани бажараверади. Шунингдек, республикамизда истиқомат қилаётган бошқа миллат ва элатларнинг тиллари ҳам тенг ҳуқуқлик асосида ривожланаверади. Бу сатрлар газетанинг 6 апрель сонида эълон қилинган республикамизнинг бир группа оқсоқоллари хатида ҳам ўз аксини топган.

Қўлимда газетанинг куни кечаги сонида СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Э. Юсуповнинг мақоласи ҳам бор. Унда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети идеология комиссиясининг тил муаммоларини ўрганиш бўйича ишчи группаси олиб бораётган ишлар баён қилинган, Группа ўзбек тилига давлат тили статусини бериш тўғрисидаги, миллий-рус икки тиллиликни янада ривожлантириш борасидаги ва бошқа муҳим ҳаётий тавсияларни ишлаб чиққанлиги, улар комиссия мажлисида кўриб чиқилгани, республика Компартияси Марказий Комитети Бюроси мажлиси муҳокамасидан сўнг республика Олий Совети доимий комиссиясига тақдим этилгани ёзилган. Энди Олий Совет ўзбек тилини ривожлантириш тўғрисида, миллий-рус икки тиллилиги ҳақида, республикада яшовчи бошқа халқлар ва элатларнинг тилларини ривожлантириш тўғрисидаги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқадиган кунлар узоқ эмас. Демак, биз, ёшлар носоғлом овозаларга берилмаслигимиз, ҳар хил шубҳали шиорлар ва ташвиқотларга учмаслигимиз лозим, деб ўйлайман.

А. НОРБОЕВ,

Дилдаги гаплар

Бизнинг колоннамизда ўзбеклардан ташқари бошқа миллатларга мансуб ишчилар ҳам ишлайдилар. Улар бир-бирлари билан рус тилида гаплашадилар, шу тилда бир-бирларини тушунадилар. Шундай экан, бир группа ветеран отахонларнинг ёшларга қарата матбуотда қилган мурожаатида айтилганидек, республикамизда ўзбек тили — давлат тили, рус тили — миллатлараро алоқа воситаси бўлиб, бошқа миллат ва элатларнинг тиллари эса тенг ҳуқуқлилик асосида ривожланавериши керак.

Яна бир гап: баъзи шахсларнинг демократия ва ошкоралиқни нотўғри тушуниб, турли хил носоғлом овозалар, шубҳали шиорлар тарқатаётгани ва тарғиб қилаётгани, ёшларнинг ғўр қисмига салбий таъсир ўтказишга уринаётгани тўғрисидаги гапларни ҳам эштитяпмиз. Демократия ва ошкоралик бош-бошдоқлик, интизомсизлик эмас, балки партия ва давлат ишига масъулиятли муносабат ҳамда қатъий интизом деганидир.

Г. САНАҚУЛОВА,
Бахмал районидаги 65-механизациялашган қўчма колонна ишчиси.

Ниятимиз: тинчлик, хотиржамлик, меҳр-оқибат

Муфти Муҳаммадсодиқ ибн Муҳаммад Юсуф билан мулоқот

Янгиланиш мамлакат мафкуравий оламида ҳам янгича ёндашувларни келтириб чиқарди. Ҳозирги пайтда динга ва диндор кишиларга муносабат ҳам янгича мазмун касб этмоқда. Диндорларнинг ижтимоий ҳаётдаги иштирокида янги қирралар намоён бўлмоқда. Мухбиримиз Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармаси президиумининг раиси муфти Муҳаммадсодиқ ибн МУҲАММАД ЮСУФ билан суҳбатлашди.

— Муҳтарам муфти! Суҳбатимизни диния бошқармасининг кўпчилик газетхонларимиз учун унчалик маълум бўлмаган тузилиши ва бўлимлари, у ерда олиб борилаётган ташкилий-маърифий ишлар ҳақидаги фикрларингиз билан бошласак.

— Диния бошқармамизда халқаро бўлим, фатволар бўлими, таҳрир ҳайъати, ўрта ва олий диний ўқув юртлари иш олиб бормоқда. Хорижий мамлакатлардаги диндош биродарларимиз ҳамда кўпдан кўп ислом ташкилотлари билан дўстона алоқалар ўрнатганмиз. Табиийки, дўстлик, биродарлик, ўзаро яхши алоқалар ўз-ўзидан ҳосил бўлмайди. Бунинг учун икки томонлама баробар интилиш ва саъйи ҳаракат зарурдир. Қуръони Карим марҳамат қиладурким: «Эй, инсонлар, биз сизларни бир ота ва бир онадан яратиб, турли миллат ва қабилалар қилиб қўйдикким, тоинки сизлар бир-бирларингиз билан яқиндан танишгайсизлар. Албатта оллоҳнинг ҳузурида мукаррам ва маҳбуброгингиз диёнат ва тақвода кучлироғингиздур».

Диний бошқармамиз 80 дан ортиқ хорижий давлатлардаги ислом жамиятлари билан алоқа ўрнатган. Йил мобайнида улардан кўплаб мактуб ва номалар келади. Биз уларни чуқур ўрганиб, ўз фурсатида тегишли жавоб қайтарамиз.

Диния бошқармамизда турли муносабатлар билан халқаро мусулмон анжуманлари уюштрилади. Жумладан, 1976 йил диния бошқарманинг ташкил топганига 30 йил тўлиши муносабати ила, 1979 йили «Совет Шарқи мусулмонлари» журналининг 10 йиллигига бағишланган, 1980 йилда эса Тошкентда Совет Иттифоқи мусулмонларининг «XV аср тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик асри бўлсин», 1986 йили Бокуда «Мусулмонлар, тинчлик учун курашингиз!» шиорлари остида анжуманлар ўтказилди.

Диния бошқармамиз даъватига асосан Совет Иттифоқига ҳар йили 10-12 делегация ташриф буюради. Улар мусулмонларимиз ҳаёти, жумҳуриятимиз ютуқлари, тарихий ёдгорликларимиз ва осори атиқалар билан яқиндан танишадилар. Биз ҳам ўз навбатида айни шундай мақсадда диния ходимлари ва имом-хатиблардан ташкил топган делегацияларни хорижий ислом оламига юбориб турамиз.

— Мамлакатимиздаги, қолаверса, хориждаги мусулмонлар билан алоқаларингиз анча мустаҳкам экан. Бунда дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик туйғулари намоён бўлянти. Ислом динининг турли миллатларга мансуб бўлган халқларнинг пок ният ва ягона мақсад йўлида хизмат қилишларига муносабатлари қандай? Миллатлараро муносабатларнинг тобора чуқурлашувида сизларнинг ҳиссаларингиз қандай бўлмоқда?

— Бошқармамиз бу соҳада изчил фаолият кўрсатмоқда. Барча ташкилий ва мафкуравий ишларимизни журналимиз ва масжидлар орқали амалга оширмоқдамиз.

Исломда ҳуррият фақат ўзининггина эмас, балки бошқаларнинг ҳам ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш демакдир. Ҳадиси шариф: «Ҳеч бирингиз ўзингиз яхши кўрган нарсани биродарларингизга ҳам раво кўрмагунингизгача комил мўмин бўла олмайсиз», деб марҳамат қилади.

Чунки мўминлар Қуръон таълимотига асосан қайси миллатга мансуб бўлишларидан қатъи назар биродардурлар. Шариати Исломиямизда барча миллат вакиллари билан яхши ва одилона муносабатда бўлишга ҳатто ғайри динларга бесабаб азият етказмасликка чақирилади.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармаси жаҳонда тинчлик бўлиши, халқлар ўртасида дўстлик ва биродарлик алоқаларини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун мунтазам равишда ҳаракат қилмоқда.

— Демак, сизларнинг бундай фаолиятларингиз давлатимизнинг кенг миқёсли инсонпарварлик ва адолатни тобора қарор топтириш ғоялари билан ҳамоҳанг. Жамоат ташкилотлари билан ҳам алоқаларингиз мустаҳкам бўлса керак?

— Албатта, Советлар диёридаги кўпгина жамоат ташкилотлари билан хайрли ишда фаол қатнашиб, унга моддий ва маънавий ҳисса қўшиб келмоқдамиз.

Диния бошқармаси раҳбарлари Иттифоқ ва Жумҳурият миқёсидаги турли жамиятлар ва хайрия-ёрдам фондлари ҳайъатларига аъзодурлар. Жумладан, Тинчликни сақлаш жумҳурият комитети, Чет эллар билан маданий алоқалар Дўстлик жамияти, Бутун жаҳон тинчлик кенгаши Совет тинчлик фонди ва Совет маданият фонди жумҳурият бўлимлари ва бошқалар. Бошқармамиз мазкур ташкилотлар ишларида фаол қатнашмоқда.

Биргина «Тинчлик» фондига ҳар йили барча масжидлардан бир неча юз минг сўм маблағ ўтказилади. Кейинги икки йил мобайнида ташкил топган Маданият, Болалар, Шафқат ва Саломатлик фондлари фаолиятига ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқдамиз. Мусулмонлар бу янги хайрия жамиятларининг ташкил топишини кўтаринки руҳ ва мамнуният билан қабул қилдилар ва дарҳол амалий ёрдамга ўтдилар.

— Замон талаби билан социалистик турмуш тарзи тобора шаклланиб бормоқда. Янгича анъаналар, урф-одатлар пайдо бўлмоқда. Улар эзгулик, хушбахтлик, инсонпарварлик, янгича яшашнинг шавқу-шууридан дарак беради. Ана шундай янгиликларни жорий этишда сизларнинг ҳам ҳиссаларингиз бўлиши мумкинми?

— Диния бошқармамизнинг муҳим ишларидан яна бири диёримиз мусулмонларининг ақидавий ва амалий ишларини Қуръон ва суннат таълимотлари асосида тўғри йўлга қўйишдан иборатдир. Бошқармамиз томонидан эҳтиёжга кўра турли мавзуларда фатволар ва қўлланмалар тайёрланиб, масжидларга мунтазам равишда юбориб турилади. Имомхатибларимиз жума куни мавзвиаларига қўшимча қилиб, биз юборган фатво ва қўлланмаларни намозхонларга ўқиб, шарҳлаб берадилар.

Мисол тариқасида қуйидагиларни айтишим мумкин. Сўнгги йилларда марҳумларнинг руҳларига атаб қилинадиган турли маросимлар, улардаги бидъатлар ва исрофгарчиликлар ҳақида; хатна тўйи, бешик тўйи, Биби сешанба, Мушкул кушод каби маросимларнинг келиб чиқиши ва уларнинг шариатга хилоф бўлган хусусиятлари тўғрисида, моэорларга, авлиёларнинг мақбараларига атаб назриёз қилишлик, сиғинишлик каби одатларнинг ислом динига зид эканлиги борасида, сохта табиблар ва фолчи-ромчиларнинг халққа келтирадиган зарарлари хусусида, турли йўллар билан ўз жонига қасд қилишлик ва ўз-ўзига ўт қўйишликнинг оғир гуноҳ эканлиги ҳақида, етимларга ғамхўрлик қилиш тўғрисида фатволар қабул қилдик.

Ҳар бир чиқарилган фатвомиз халқимиз орасида мавжуд бўлган, лекин ўзи на шариат аҳкомларига ва на миллий анъаналарга тўғри келадиган зарарли урф-одатларни йўқотишга қаратилган.

— Бошқарма фаолиятида кейинги пайтларда юз берган воқеалар хусусида гапирсангиз.

— Юқорида айтганларимдан ишлар ҳаммаси жойида экан, деган хулосага келиш мумкин. Лекин аслида ундоқ эмас. Ишимизда жиддий камчиликлар ҳам мавжуд.

Бошқарма ҳайъатнинг 6 февраль куни бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлисидан сўнг ишга астойдил киришилди. Диния бошқармасининг тубдан қайта қуриш бошланди. Барча ишларни маслаҳатлашиб олиш мақсадида Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармасининг уламолар кенгаши чақирилди. Диёримизнинг кўзга кўринган мусулмон уламоларини ўз ичига олган бу кенгаш диния бошқармаси олий ҳайъатининг 6 февралдаги қабул қилган қарорларини тасдиқлади ҳамда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг IV қурултойида тантанали равишда бошқарма ихтиёрига топширилди. Шунингдек, ислом осори атиқаларидан бўлган баъзи масжид, мадраса ва зиёратгоҳларни ҳам ўз назоратимизга олмоқчимиз.

— Кейинги пайтларда диний арбоблар жамоат ташкилотларининг вакиллари сифатида давлат ишларига ҳам аралашишмоқда. Буни қандай шарҳлайсиз?

— Бу қайта қуриш ва янгича сиёсий тафаккур мевасидир. Биз диний ақидаларимиздан қатъи назар, яшаб турган маконимиз тақдири учун қайғуришни, унинг истиқболи ва иқболи учун барча яхши ишларни амалга оширишни ўзимизнинг инсоний бурчимиз деб биламиз. Баъзан шундай вазифалар бўладики, уни давлат минтақасида туриб ҳал қилиш керак. Ана шундай пайтда вакилларимизнинг давлат олий органларига сайланиши муҳим аҳамият касб этади. Бу барча учун манфаатли ҳисобланади.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат. Муфти ҳазратлари, сизни Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармаси президиумининг ранси лавозимига сайланганингиз билан яна бир бор муборакбод этамиз. Эзгулик, ҳалоллик ва инсонпарварлик йўлидаги ишларингизга муваффақият тилаймиз.

— Ташаккур.

Суҳбатни Н. ЖУРАЕВ олиб борди.

ТВ: ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

10 апрель, душанба

УзТВ-I. 15.00 Телефильм. 15.25 «Комендантлик соати». Бадиий фильм. 16.45 Табиатшунослик. 17.15 «Йўл». Бадиий фильм. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Мультфильм. 18.20 Бойчечак. 18.50 Концерт. 19.30 Сўздан амалий ишга. 20.00 Ахборот. 20.20 Телефильм. 20.30 Ахборот. 20.55 Инсон ва қонун. 21.30 Время. 22.05 Концерт.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильмлар. 9.50 Футбол шарҳи. 10.20 «Ғалати кўргазма». Бадиий фильм. 11.50 Янгиликлар. 12.00 Концерт. 12.20 Ҳайвонот оламида. 16.00 Янгиликлар. 16.10 «Бахус ва ариадна» балетидан сюита. 16.30 Латвияда халқ театрларини ривожлантириш ҳақида. 16.50 Онам, дадам ва мен. 17.20 Болалар соати. 18.20 Ҳужжатли фильм. 18.45 Футбол шарҳи. 19.15 Мультфильмлар. 19.35 «Қаҳрамонни кутмайлик». 20.05 «Олчазор» Фильм-спектакль. 21.30 Время. 22.05 Фильм-спектаклнинг давоми. 23.20 Дунё воқеалари. 23.35 Музикали программа.

МТ-II. 9.00 Гимнастика 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 Ўқув кўрсатуви. 10.05 Итальян тили. 11.05 Сиз яратган боғ. 11.35 Биология. 12.05 Илмий-оммабоп фильм. 13.05 «Онам эрга тегди». Бадиий фильм. 14.25 Яқиниклар. 14.35 Қишлоқ хўжалиги. 14.55 Оламда кўшиқ яшар. 17.35 Янгиликлар. 17.45 Ҳужжатли фильм. 18.05 Стол тенниси Жаҳон чемпионати. 18.45 Томошабинсиз концерт. 19.15 Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 20.15 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.30 «Фиръавн». Бадиий фильм. 1-серия. 21.00 Ҳужжатли фильм. 21.30 Время. 22.05 Ҳужжатли фильм-портрет. 23.05 Тонгги почта.

11 апрель, сешанба

УзТВ-I. 15.00 Кинопрограмма. 16.00 «Малина виноси». Бадиий фильм. 17.30 Фильм-концерт. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Мультфильм. 18.30 Камалак. 19.15 «Давлат манфаати». 20.00 Ахборот. 20.20 Шу кунинг долзарб мавзуси. 20.30 Ахборот. 20.50 Ёзувчи ва замон. 21.30 Время. 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Анъана ва замон. 23.15 Н. Ҳамроқулов куйлайди.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 «Олчазор». Фильм-спектакль. 11.40 Янгиликлар. 11.50 ...Бу бўлган, бўлганди. 12.05 Болалар соати. 16.00 Янгиликлар. 16.10 Қайта қуриш прожектори. 16.20 Концерт. 16.50 Ҳужжатли фильмлар. 17.30 Концерт. 18.15 Ҳужжатли фильм. 18.30 Компютер билан мулоқот. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Сиз бунга қодирсиз. 20.00 М. П. Шчетинин билан учрашув. 21.30 Время. 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Ҳужжатли фильмлар. 24.00 Дунё воқеалари. 00.15 Фильм-концерт.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 География. 10.05 Француз тили. 11.05 ПТУ ўқувчиларига. 11.30 География. 12.05 Француз тили. 13.05 «Фиръавн» Бадиий фильм, 1-серия. 13.35 Ҳужжатли фильм. 14.05 Янгиликлар. 14.15 Ҳужжатли фильм-портрет. 15.15 Ритмик гимнастика. 16.00 Ҳужжатли фильм. 17.30 Янгиликлар. 17.40 Ритмик гимнастика. 18.25 Мурманск телевидениеси студиясининг программаси. 19.15 Ҳужжатли фильм. 20.15 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.30 «Фиръавн». Бадиий фильм. 2-серия. 21.00 «Юриш сиздан». Комедияли фильм. 21.30 Время. 22.05 Қайта қуриш прожектори.

12 апрель, чоршанба

УзТВ-I. 15.00 Ҳужжатли фильм. 15.10 «Жангчи она алласи». Бадиий фильм. 16.30 Концерт. 17.30 Физика. 18.03 Ёшлик. 18.50 Экиш: суръат ва сифат. 19.20 А. Орипов. «Ўзбекистон — Ватаним менинг». 20.00 Ахборот. 20.20 Мультфильм. 20.30 Ахборот. 20.50 Концерт. 21.30 Время. 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Оталар сўзи — ақлнинг кўзи. 23.05 «Тошкент» студияси кўрсатади.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Бу фантастик олам. 10.15 М. П. Шчетинин билан учрашув. 11.45 Янгиликлар. 11.55 Саёҳатчилар клуби. 16.00 Янгиликлар. 16.10 Қайта қуриш прожектори. 16.20 Музикали хазина. 17.05 Ҳужжатли фильм. 17.35 Болалар соати. 18.35 Қалбга яқин қўшиқлар. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Космонавтика кунига. 20.30 Балетлардан парчалар. 21.30 Время. 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Ҳужжатли фильм. 23.15 Дунё воқеалари. 23.30 «Ватан қанотлари». Ҳужжатли фильм.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 Теварак-атроф билан танишиш. 9.55 Фан ва техника. 10.05 Немис тили. 10.55 Фан ва техника. 11.05 ПТУ ўқувчиларига 11.35 Ўқув кўрсатуви. 12.05 Немис тили. 13.05 «Фиръавн». Бадиий фильм. 2-серия. 13.35 «Юриш сиздан». Комедияли фильм. 14.05 Янгиликлар. 14.15 Концерт. 17.20 Янгиликлар. 17.30 «Гюлли». Бадиий фильм. 18.50 Мультфильм. 19.00 Тогли Олтой телевидениеси студиясининг программаси. 20.05 Ҳужжатли фильм. 20.15 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.30 «Фиръавн». Бадиий фильм, 3-серия. 21.00 Ҳужжатли фильм. 21.30 Время. 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Телефильм. 23.15 Янгиликлар. 23.25 Фильм-концерт. 24.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. ГДР — Туркия.

13 апрель, пайшанба

УзТВ-I. 15.00 Телефильм. 15.10 «Оқсоқ дарвеш». Бадиий фильм. 16.45 Қувноқ стартлар. 17.30 Жамиятшунослик. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Сўз кетидан сўз келар. 18.45 Комсомол прожектори. 19.00 Санъат оламида. 19.30 Озиқ-овқат программаси амалда. 20.00 Ахборот. 20.20 Мультфильм. 20.30 Ахборот. 20.50 Навоийхонлик. 21.30 Время. 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Кино, кино.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Дунё болалари нималар ҳақида куйлашади. 9.50 «Ватан қанотлари». Ҳужжатли фильм. 1-фильм. 10.50 Янгиликлар. 11.00 «Ватан қанотлари». Ҳужжатли фильм. 2-фильм. 11.55 Болалар соати. 16.00 Янгиликлар. 16.10 Қайта қуриш прожектори. 16.20 Концерт. 16.55 Ҳужжатли фильм. 17.25 Мультфильм. 17.45 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 18.30 Газ саноатидаги янги технологиялар. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Ҳоким — Советларга. 20.00 Мультфильм. 20.20 «Визборинг шуҳрати ошганда». Бадиий фильм. 21.30 Время. 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Концерт. 23.45 Дунё воқеалари. 24.00 Ҳужжатли фильм.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 Табиатшунослик. 9.55 Фан ва техника. 10.05 Испан тили. 10.55 Фан ва техника. 11.05 Онам, дадам ва мен. 11.35 Музика. 12.05 Испан тили. 13.05 «Фиръавн». Бадиий фильм, 3-серия. 13.35 Ҳужжатли фильм. 14.05 Янгиликлар. 14.15 Телефильм. 15.15 Ҳужжатли фильм. 15.35 Сизни музика таклиф этади. 17.35 Янгиликлар. 17.45 Бизнинг фондимиздан. 18.40 Мультфильмлар. 19.10 Реклама. 19.15 «Ретро». 20.15 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.30 «Фиръавн». Бадиий фильм, 4-серия. 21.00 «Бенни Хилл шоуси». 21.30 Время. 22.05 Қайта қуриш прожектори.

14 апрель, жума

УзТВ-I. 15.00 «Россиянинг оппоқ қорлари». Бадиий фильм. 16.30 Телефильм. 16.45 География. 17.15 Манзаралари фильм. 17.30 Адабиёт. 18.00 Янгиликлар. 18.10 Дала, ҳовли юмушлари. 18.50 Анъана ва замон. 19.30 Объективда — қайта қуриш. 20.00 Ахборот. 20.20 Шу кунинг долзарб мавзуси. 20.30 Ахборот. 20.50 Концерт. 21.30 Время. 22.00 Қайта қуриш прожектори. 22.10 Дўстлик концерти.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильм. 10.00 «Визборинг шуҳрати ошганда». Бадиий фильм. 11.20 Янгиликлар. 11.30 Инсон институти. 16.00 Янгиликлар. 16.10 Қайта қуриш прожектори. 16.20 Халқ куйлари. 16.35 Ҳужжатли фильмлар. 17.20 Мультфильм. 17.30 Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 18.00 «Олтин шайба». соврини. 18.45 Концерт. 19.10 Фотоконкурс. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Интер-сигнал. 20.00 Мультфильмлар. 20.20 «Бегона». Бадиий фильм. 21.30 Время. 22.00 Қайта қуриш прожектори. 22.10 Ҳужжатли фильм. 22.30 ...Бу бўлган, бўлганди. 22.50 Мультфильм. 23.00 Нигоҳ.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 Ўқув кўрсатуви. 10.05 Инглиз тили. 11.05 Ўқув кўрсатуви. 11.35 Ўқув кўрсатуви. 12.05 Инглиз тили. 13.05 «Фиръавн». Бадиий фильм, 4-серия. 13.35 «Бенни Хилл шоуси». 14.05 Янгиликлар. 14.15 «Тушки пайт». Телеспектакль. 15.15 Ритмик гимнастика. 15.45 Ҳужжатли фильмлар. 17.35 Янгиликлар. 17.45 Ҳужжатли фильм. 18.05 Ритмик гимнастика. 18.35 Одесса телевидениеси студиясининг программаси. 19.25 Концерт. 19.45 СССРда ихтиро қилинган. 20.15 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.30 «Фиръавн». Бадиий фильм, 5-серия. 21.00 «Доска». Комедияли фильм. 21.30 Время. 22.00 Қайта қуриш прожектори.

15 апрель, шанба

УзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Мактабларни битирувчилар учун контрол иншо. 10.20 «Якка сузиш». Бадиий фильм. 11.55 Дўстларимиз тароналари. 12.15 Спорт программаси. 13.15 Телеальманах. 14.00 Концерт. 14.45 Замандас. 15.45 «Тугмача». Бир саҳнали пьеса. 18.05 Мультфильм. 18.15 Тенгдошлар. 19.15 Мультипанорама. 20.00 Ахборот. 20.20 Телефильм. 20.30 Ахборот. 20.50 Мусиқа жавони. 21.30 Время. 22.05 Қардош республикалар иттифоқи. 23.35 Фильм-концерт.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Уй академияси. 9.35 Концерт. 10.00 Йил фасллари. 11.00 Чашмалар. 11.30 Мультфильмлар. 12.00 Социализм мамлакатларида. 12.30 Мўъжизасиз мўъжизалар. 13.30 Концерт. 14.00 Шанба — оталар куни. 15.30 Дунё воқеалари. 14.45 «Менинг укам». Бадиий фильм. 17.35 Аёл ҳаётидан ўн беш дақиқа. 18.00 Москва — Хельсинки телекўприги. 19.35 Халқаро программа. 20.35 Ч. Чаплин туғилган кунининг 100 йиллигига. 21.30 Время. 22.05 Телетомошабин ҳамроҳи. 22.25 Шанба оқшомида. 23.15 Борис Рубакин куйлайди. 00.35 Акссадо. 00.50 Жаҳон видеомузикасининг финали.

МТ-II. 8.30 Гимнастика. 8.45 Қишлоқ янгиликлари. 9.45 «Оркестр билан катта кўча бўйлаб». Бадиий фильм. 11.15 Ҳужжатли фильмлар. 12.05 «Фиръавн». Бадиий фильм, 5-серия. 12.25 «Доска». Комедияли фильм. 13.05 Ҳужжатли фильм. 14.05 Реклама. 14.10 Ҳужжатли фильмлар. 15.05 Телевизион музикали абонемент. 16.15 Ҳужжатли фильмлар. 16.45 ... 16 ёшгача ва ундан катталар. 17.30 Мавзуга оид вариациялар. 18.25 Миллатлараро муносабатлар. 19.10 Ҳужжатли фильмлар. 19.40 Концерт. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Ҳужжатли фильм. 21.20 Халқ куйлари. 21.30 Время. 22.05 Хоккей. Жаҳон чемпионати. СССР — АҚШ.

16 апрель, якшанба

УзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум. 10.00 Оила даврасида. 10.40 Биргаликда куйлаймиз. 11.05 Ташқи бозорга йўл. 11.40 Еш спортчи мактаби. 12.40 Наврўзи олам. 14.15 Элга хизмат: талаб ва таклиф. 14.45 Ёшлик. 15.30 Реклама. 18.05 Болалар учун фильм. 18.30 Санъат гунчалари. 19.00 Фан уфқлари. 19.40 Телефильм. 20.00 Ахборот. 20.20 Телефильм. 20.30 Ахборот. 20.50 Дам олиш музикали программаси. 21.30 Время. 22.05 Музикали программа.

МТ-I. 8.30 Янгиликлар. 9.45 Ритмик гимнастика. 9.15 Спортлото. 9.30 Эрта саҳарлаб. 10.30 Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 11.30 Тонгги почта. 12.00 Оламга саёҳат 13.00 Эртак ҳузурида меҳмонда. 14.25 Музикали киоск. 14.55 Очиқ эшиклар куни. 15.40 Концерт. 16.30 Нигоҳ. 17.30 Қишлоқ янгиликлари. 18.30 Халқаро панорама 19.15 Мультфильмлар. 19.45 «Номаълум Чаплин» Телефильм. 2 ва 3-серия. 21.30 Время. 22.05 Салом, доктор! 22.20 Навқирон кино. 23.45 Янгиликлар.

МТ-II. 8.30 Заряднага сафланинг. 8.45 Ҳужжатли фильмлар. 9.25 «Гюлли». Бадиий фильм. 10.45 Н. Кушченкова куйлайди. 10.55 Экранда — 01 хизмати. 11.30 Агар сизга... 12.15 Запорожьелик Дунай ортида. 13.25 «Уйилган ип». 14.30 «Кўприкдаги кишилар». Бадиий фильм. 16.10 Ошоралик. 16.30 Мультфильм. 16.40 Свердловск телевидениеси студиясининг программаси. 17.45 Мультфильм. 18.25 Унутилмас музикали кечалар. 18.50 Футболь «Динамо» (К) — «Спартак». 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Сергей Есенин ватанининг қўшиқлари. 21.30 Время. 22.05 Салом, доктор! 22.20 Хоккей. Финляндия — ЧССР. 00.35 Янгиликлар.

Республика божхонасида

БОЖХОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН ТЎЛОВЛАР ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон республика божхонаси СССР Министрлар Советининг 1989 йил 7 мартдаги «Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат йўли билан тартибга солиш тадбирлари тўғрисида»ги қарори («Совет Ўзбекистони», 24 март)га биноан, шу йил 1 апрелдан бошлаб божхона хизматлари учун ҳақ олинишини маълум қилади.

СССР давлат чегараси орқали товарларни ва бошқа молмулкларни экспорт ва импорт қилиш билан ташқи иқтисодий фаолиятда қатнашаётган барча давлат, кооператив ва бошқа жамоат корхоналари, бирлашмалар ва ташкилотлар божхона хизматидан фойдаланганликлари учун ҳақ тўлайдилар. Улар СССР Ташқи иқтисодий алоқалар министрлигида ёки министрликнинг республикадаги вакиллигида рўйхатга ўтиш вақтида ва рўйхатдан ўтиб бўлгунга қадар битта транспорт ҳужжати билан экспорт ёки импорт қилинаётган ҳар бир туркум товарлар учун божхона хизматига 15 сўмдан ҳақ тўлайдилар.

Тўловлар СССР Давлат банкининг маҳаллий бўлимлари орқали Иттифоқ бюджетининг 8-бўлим §15 даромад қисмига ўтказилади.

Божхона ва транспорт ташкилотлари юк жўнатувчилар ёки юк қабул қилувчилар тўлов ҳужжатларнинг нусхасини тақдим этганларидан сўнггина товарлар ёки бошқа мол-мулкларни расмийлаштириш учун қабул қиладилар.

Тўла ва муфассал маълумотни Ўзбекистон республика Божхонасида олиш мумкин. Унинг адреси — Тошкент шаҳри, Аэропорт, 91-26-71 телефони орқали соат 9.00 дан 18.00 гача ҳам мурожаат қилиш мумкин.

ОБ-ҲАВО

9-15 апрель кунлари Ўзбекистонда ҳаво кам булутли бўлади. Ёғингарчилик бўлмайди. Фақат 9 апрель куни Тошкент области ва Фарғона водийси областларида бироз ёмғир ёғади. Шимолий Ғарбдан келаётган шамол ўз йўналишини ўзгартириб, Шарқдан секундига 9-14 метр тезликда эсади. 9-10 апрель кунларида республиканинг Шимолий районларида кечаси 2-7 даража совуқ, кундузи 2-7 даража иссиқ бўлади. Фарғона водийси областлари ва Сурхондарё областида ҳарорат кечаси 0-5 даража исиб айрим жойларда эса 1-3 даражагача совуши мумкин. Кундузи 3-8 даража, Сурхондарё областида 6-11 даража иссиқ бўлади. Республиканинг бошқа областларида кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 5-10 даража иссиқ бўлади. Ҳафтанинг кейинги кунларида ҳарорат астасекин кўтарилиб, Фарғона водийси областларида ва Шимолий районларда кундузи 12-17 Тошкент, Сирдарё, Бухоро ва Самарқанд областларида ва Самарқанд областининг жанубий районларида 12-20, Қашқадарё ва Сурхондарё областларида 18-23 даража иссиқ бўлади.

«02» хабар қилади

РЕСПУБЛИКА ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ АХБОРОТИ

«ХАРАЖАТЛИ» ИШ

Республикамизнинг қатор областларида ишчи кучининг знёдлиги сир эмас. Айрим олгирлар бундан фойдаланиб, иш қидираётганларнинг чўнтакларига кўз тикишмоқда. Фарғона область Фрунзе районида яшовчи аёл ранги умумий овқатланиш корхонаси кадрлар бўйича инспектори Кимсаной Ёқубова ҳузурига ташриф буюрди.

— Ҳозир бўш жойнинг ўзи муаммо. Ўзингиздан қолар гап йўқ, пича харажат қилсангиз...

Масъул ходимнинг таклифини сўраб келган аёлни ҳайратга солди. У шундоққина кўчанинг нариги томонига ўтиб, район ички ишлар бўлими ходимларини антиқа суҳбат мазмуни билан таништирди.

Аёл келишилган пайтда К. Ёқубовага 70 сўм пул узатди. Лекин олди-берди воқеасининг давоми хиёл чўзиладиган кўринади. Чунки унга область ва район милициясининг БХСС ходимлари ҳам аралашишди.

СОВУҚҚОНЛИК ОҚИБАТИДА ЕНГИН

Тонготар соат олтиларда Паркент район «Гулбог» совхозида жойлашган паррандачилик фермаси жўжахонасида ёнғин юз берди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида салкам бир ярим соат ичида олов жиловланди. Бироқ унда 200 квадрат метр шифт куйиб кетди ва 9 мингдан знёд жўжа нобуд бўлди. Етказилган зарарнинг миқдори яқин 5 минг сўмни ташкил этди. Дастлабки текширишларга қараганда, электр иситиш ускунасини нотўғри ишлатиш туфайли ўт чиққан. Наҳотки, фабрикадаги электр ускуналаридан фойдаланишга масъул кишилар ўз вазифаларига шунчалик совуққонлик билан муносабатда бўлишмоқда?

СОХТА ГАЗЧИЛАР

Навоий шаҳрида икки нотаниш киши ўзларини газ идораси хизматчилари, деб таништириб, О. Чечерова квартирасига киришди. Кутилмаган ҳужатбаорлар ортларидан эшикни ёпишгач, бу ерга нима учун келганлари аён бўлди. Улар куч ишлатиб хонадон бекасини ваннахонага киритиб қўйишди. Жўнаб қолишдан аввал эса «Нота-303» магнитафонини олиб кетишни унутишмади.

Ғ. БОЛТАБОЕВ,
милиция капитани.

Муҳаррир
У. УСМОНОВ.

Ўзбекистон Журналистлар союзи правдениеси, марказий матбуот органлари республикадаги вакилларининг партия ва касаба союз ташкилотлари «Правда» газетасининг Тошкентдаги мухбирлар пункти мудири В. А. Артеменкога отаси

Алексей Илларионович АРТЕМЕНКОнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-16, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р — 11689. Б. — 84. ИНДЕКС 64383. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12